

2  
(1424)-son  
10-yanvar  
2020ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### ХАВФСИЗ ШАХАР

Ўзбекистонда 112 — ягона қисқа рақам тизими жорий этилади **2-бет**

### ТЕЛЕКОМЧИЛАР НИЯТИ:

Одамлар бугунидан рози бўлсинлар! **4-бет**

### ВАТАН ФИДОЙИЛАРИНИ УНУТМАЙДИ

Сен элимнинг юрагида яшайсан **5-бет**

### КЎЗГУ

Қайнонани қайнатмаган "игнали келин" **9-бет**

### СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Сўнги қўнғироқни қутаётган қизлар **10-бет**

### ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ 35 ЁШДА

Миллийлик ва замонавийлик уйғунлиги **11-бет**

### САЛОМАТЛИК

Компютерда ишловчиларга кўзни асраш учун олтита оддий маслаҳат **16-бет**

## ЎРМОН ЁНГИНЛАРИ

(2018-2019 йиллар)

Охириги йилларда Калифорния, Амазонка, Сибир, Австралиядоги ёнгинлар 100 минг кв. км.га яқин майдондаги ўрмонларнинг кулини кўкка совурди.

- Калифорния (2018 й.) — **8094 кв. км.**
- Амазонка (2019 й.) — **8903 кв. км.**
- Сибир (2019 й.) — **27 113 кв. км.**
- Австралия (2019 й.) — **48 562 кв. км.**



Манба: Statista

# МЕНИНГ АРМИЯМ ТИНЧЛИК КАФОЛАТИ

14 январь —

Ватан ҳимоячилари куну



Мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган Ватан ҳимоячилари куну тобора яқинлашиб келмоқда. Шу кунларда Соҳибқирон бобомиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардаларимизнинг жасорат ва мардликларини яна бир бор ёдга оламиз. Зеро, жасурлик, ўз Ватани учун жонини тикиш, уни ор-номусдек асраш каби фазилатлар аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган. Маҳмуд Қошғарий ёзади: "Амин бўлдимки, Тангри давлат куёшини турк қўрғонларидан кўкка чиқаргандир, уларнинг мулклари қилиб бутун осмону фалакни айлантиргандир. Тангри ҳақиқат йўлида курашмоқ учун куч берди. Уларга ҳамкор бўлганларни, уларга тарафдор бўлганларни азиз қилди".

3-бет

## ТАНЛОВ

### Соврин жамғармаси 100 000 АҚШ долларига тенг бўлган танловга ариза бериш муддати узайтирилди

Муддат 10 февралга қадар узайтирилди. Танловда энг яхши мобил илова ишлаб чиқарувчисига \$50 000, иккинчи ўринга \$30 000 ва учинчи ўринга \$20 000 тақдим этилади.

mGovAward – бу Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва IT-Парк томонидан Бирлашган Араб Амирликларидан бўлган ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилаётган давлат хизматлари учун энг яхши мобил иловаларни ишлаб чиқиш бўйича республика танловидир.

Танлов беш йўналишда ўтказилади:

- Таълим
  - Соғлиқни сақлаш
  - Туризм
  - Транспорт ва логистика
  - Тадбиркорлик ва G2B
- Танловнинг асосий мезон-

лари куйидагилар:

- бўлажак дастурнинг самарадорлиги
- унинг инновационлиги
- фойдаланишда қулайлиги



Танловнинг асосий мезонлари келажакда қўлланилиш самарадорлиги, унинг инновационлиги ва фойдаланиш қулайлиги бўлади. Сиз бу ерда сўров қолдиришингиз мумкин: [http://bit.ly/mgovaward\\_tg\\_r](http://bit.ly/mgovaward_tg_r)

Бундан ташқари, 18-19 январь кунлари Тошкентдаги ИНҲА университетида mGovAward танлови иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича семинар бўлиб ўтади. Семинар доирасида малакали менторлар рақобатчиларга дастурларни ишлаб чиқишдаги мавжуд муаммоларни бартаф этишда ёрдам бериб, шунингдек, мобил иловаларни яратиш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Семинарда иштирок этиш учун сиз олдиндан [mgovaward.uz](http://mgovaward.uz) сайтида рўйхатдан ўтишингиз керак.



## 2 | ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan  
umagacha

# ЎЗБЕКИСТОНДА 112 — ЯГОНА ҚИСҚА РАҚАМ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

"Менинг фикрим" жамоавий мурожаатлар порталида Тошкент шаҳрида фавқулодда вазият ҳолатларида қўнғироқ қилинадиган ягона қисқа рақам тизимини яратиш таклиф этилди.

"Тошкент шаҳри аҳолисига қўлайликлар яратиш мақсадида "Ақлли шаҳар" концепциясига қўшимча тарзда турли фавқулодда вазият ҳолатларида қўнғироқ қилинадиган телефон рақамларини (101, 102, 103, 104) ягона рақамга бирлаштиришни таклиф қиламан", — деб ёзган мурожаат муаллифи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий дунё ёзувчилари, зиёлилари ва санъаткорлари жамғармаси (TURKSAV) томонидан таъсис этилган "Туркий дунё тикланишига қўшган улкан ҳиссаси учун" халқаро мукофотига сазовор бўлди. Мукофот соҳибининг исми-шарифи TURKSAV ҳайъати коллежал кўмитаси томонидан Туркия ва хорижий давлатларнинг таниқли сийёсатчилари, иқтисодчилари, фан ва санъат намояндаларининг 2019 йилдаги фаолиятини ўрганиш натижалари асосида эълон қилинди. Мукофотни топшириш маросими 2020 йил май ойида Анқарада Туркия парламенти, ҳукумати, кенг жамоатчилиги, ишбилармон доиралари ва санъат арбоблари иштирокида тантанали тарзда ўтказилиши режалаштирилган.

Жорий йилнинг 5 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 25та сайлов округидаги 1730та сайлов участкасида такрорий овоз бериш бўлиб ўтди. Ушбу сайлов участкаларида 3 миллион 147 минг 79 нафар фуқаро Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига киритилган бўлиб, улардан 1 миллион 978 минг 48 нафари такрорий овоз беришда иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев 7 январ куни қурилиш соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда қурилиш соҳасидаги муаммо ва камчиликлар кескин танқид қилинди. Соҳада ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси пастлиги қайд этилди. Шу боис йиғилишда Қурилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тизимни тўлиқ рақамлаштириш бўйича жорий йилда амалга оширишга оид "йўл харитаси" ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Техрон шаҳри яқинида Украинанинг йўловчи самолёти қулаши оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Украина ва Эрон Президентларига ҳамдардик мактублари йўлади. Давлатимиз раҳбари марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 январ куни Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хитойнинг "Chinese academy of Cultural heritage" ташкилоти томонидан Хива шаҳридаги "Ичанқалъа" давлат музей-қўриқхонасида жойлашган "Амир Тўра" мадрасаси, "Ҳасан Мурод қушбеги" масжиди ва "Заргарлар" кўчасининг 500 метр ичкари йўлидаги 9,5 миллион доллар инвестиция маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига реконструкция ва қайта тазмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ушбу таклифга аниқлик киритиш мақсадида АКТ вазирлиги қўйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 29 августдаги 3245-сонли қарори билан 2019-2023 йилларда "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасини босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш белгиланган.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасини амалга ошириш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар ва ягона технологик ёндашувни ташкил қилиш тўғрисида"ги 2018 йил 7 майдаги 343-сонли қарорига мувофиқ "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасининг техник ҳужжатлари (Концепция, Бош техник топшириқ, Техник иқтисодий ҳисоб) Халқаро консалтинг компанияси (ПВК) экспертлар гуруҳи билан биргаликда тегишли идоралар ва вазирликлар иштирокида ишлаб чиқилди.

Биринчи босқичда 2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасининг ягона технологик платформасини яратиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шу асосда Тошкент шаҳридаги барча қисқа рақамли тезкор навбатчилик — 101, 102,

103, 104, 1050, 1055 хизматлари Ягона вазиятлар марказига жамланади ҳамда умумий "112" — навбатчилик хизмати доирасида фаолияти ташкил этилади.

Бундан ташқари, ижтимоий соҳа, маданият, туризм объектилари, вокзал ва бозорларда жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш учун 50 мингдан ортиқ қузув камералари ўрнатилади ҳамда умумий маълумотлар базаси 20 млн.дан ортиқ бўлган интеллектуал қидирув тизими ташкил этилади.

500дан ортиқ чорраҳаларда замонавий йўл ҳаракатини бошқариш тармоғи яратилиб, "ақлли" автотураргоҳ хизмати жорий этилади.

Кадастр маълумотлари киритилган электрон рақамли харита ишлаб чиқилади ва унинг ёрдамида ноқонуний олиб бориладиган қурилишларга тезкор чора кўриш имкониятлари яратилади.

Шаҳарда атроф-муҳитни экология ҳолатини ягона мониторинг ва назорат қилиш тизими ташкил этилиши ҳамда вазиятлар марказига интеграция қилинади.

Тезкор навбатчилик хизмати ходимлари ва техник мутахассислари малакасини ошириш бўйича ўқув маркази ҳамда тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш учун лаборатория ташкил этилиши кўзда тутилган.

Маълумот учун, "Хавфсиз шаҳар" тизим ёрдамида қуйида-

ги ижобий кўрсаткичларга эриштилиши кутилмоқда:

- умумий "112" – навбатчилик хизмати фаолияти доирасида фавқулодда вазиятлар хизматларининг фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизми жорий этилиши;

- жамоатчиликнинг давлат тузилмаларига нисбатан ишончи 35 фоизга ошиши;

- жамоатчиликнинг фош этиш вақти ва ҳуқуқбузарликлар сони 45 фоизгача камайиши;

- атроф-муҳит экология ҳолатини мониторинг ва назорат қилиш бўйича ягона тизим ташкил этилиши натижасида шаҳар экологик ҳолати назоратга олиниши ва яхшиланишига замин яратилади.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компанияларни кенг жалб этиш ҳамда ҳамкорлик жараёнида уларнинг тажрибасини ошириш ва келгусида жаҳон бозорига чиқишлари учун замин яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, вазирлик ва идораларнинг махсус тезкор хизматлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ўқув марказини яратиш ҳамда видеоқузув камераларини, ўрнатиладиган дастурий таъминотларни мавжуд стандартларга мувофиқлигини текшириш ва интеграция қилиш бўйича махсус лаборатория ташкил этиш назарда тутилган.

## ➔ ФЕСТИВАЛ

### ТОШКЕНТДА "КўНГИЛОЧАР МАТЕМАТИКА" ФЕСТИВАЛИ БўЛИБ ўТАДИ

15 – 17 январ кунлари Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетидеда учинчи "Кўнгилочар математика" ўқув-амалий фестивали бўлиб ўтади.

Фестивал мактаб, лицей, коллеж ва бошқа барча ўқув юртлири талабалари, математика ўқитувчилари, шунингдек, ушбу фанга қизиқадиганларнинг барчасига қаратилган.

Фестивалда 20 хил математик стендлар намойиш этилади. Тошкентдаги ИНҲА университетига Жанубий Кореянинг турли ўқув юртлиридан 20дан ортиқ математика ўқитувчилари ташриф буюрадilar.

Уч кун давом этувчи тадбир мобайнида Жанубий Кореядан келган меҳмонлар турли хил математик масалалар ва соҳага боғлиқ бўлган биллимли билан ўртоқлашадilar.

Фестивал 15 январ куни соат 13.00да Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетидеда бўлиб ўтади. Барча хоҳловчилар учун кириш бепул.





# МЕНИНГ АРМИЯМ ТИНЧЛИК КАФОЛАТИ

◀1-бет

— Уч нафар фарзандим ҳарбий. Ҳарбийнинг онаси бўлиш ҳам фахрли, ҳам озроқ хавотирли, — дейди Тошкент вилояти, Паркент туманида яшовчи Шоира Етмишова. — Файзли дастурхон атрофида, тўю маъракаларимизда, турли учрашув ва тадбирларда кўпни кўрган кексаларимиз: “Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, хонадонларимиздан барака, тотувлик аримасин”, дея тилак билдиришади. “Кўпнинг дуоси кўл”, деган ўғитни эслаганимда яхши ният, эзгу тилақларимиз бизни доимо ёмонликлардан асраб туришига яна бир бор амин бўламан. Юртдаги тинчлик ва осойишталик халқимиз учун энг катта бойлиқдир. Ҳарбийларимиз ана шу бойлиқни кўз қорачиғидек асрашга астойдил бел боғлаган. Юрт шаъни ва обрўсини ўзининг ор-номусидек ҳимоя қилишга доимо тайёр турган, миллий армия сафида хизмат қилаётган мард ўғлонларимиз билан биз оналар доимо фахрланамиз...

Бугунги кунда ён-атрофимизда юз бераётган таҳликали тўқнашувлар, радикализмнинг кучайиши, терроризм, диний экстремизмнинг фаоллашаётгани ҳар биримизни ҳушёрликка ва огоҳликка ундайди. Шу боис мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, чегара ҳудудларда вужудга келиши мумкин бўлган хатарларнинг олдини олиш мақсадида Қуролли Кучлар сафида катта малака ва тажрибага эга бўлган жасур аскарларимизнинг жанговар тайёрлиги оширилмоқда. Чунки ҳар жиҳатдан таъминланган, пухта тайёргарликка эга бўлган ҳарбий хизматчиларгина Қуролли Кучларимиз кудратини оширишга, осойишталигимизни таъминлашга қодир бўлади.

Дарҳақиқат, шу бугунги кунгача Қуролли Кучларимиз тизимида катта ислохотлар олиб борилди. 1992 йил 14 январ куни Республика Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар мустақил Ўзбекистон тасаруфига олинди. Бундан ташқари, 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси очилди. Армия ва ҳарбий хизматга ёндашув, қарашлар тубдан ўзгарди. Утмишдагидек йигитларимиз ҳарбий хизматга мажбур бўлганидан эмас, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки эзгу мақсадга айлангани учун ҳам боришмоқда. Бир пайтлар йигитларимиз 2-3 йил узоқ муддатга жуда олис юртларда хизмат бурчларини ўташган бўлса, бугун мустақил Ватанимиз сарҳадларини фахр-ифтихор билан кўриқлашмоқда.

Миллий армия бугун ёшлардаги мустақам ирода, мустақил фикрлаш қобилиятини чиниқтирадиган, инсоний фазилатлар камол топадиган чинакам ҳаёт мактабига айлангани боис, ёшлар орасида ҳарбий хизматга бўлган иштиёқ ва ҳурмат кундан-кунга ошиб бормоқда. Ўғлонларимиз аскар бўлиш, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга чин дилдан бел боғлашяпти. Йигитлар бундай шарафга лойиқ бўлиш учун ҳар томонлама тайёргарлик кўришмоқда. Ўз давлатининг мудофаси, армиямизнинг қандайдиган кучга эга эканлигини

теранроқ англаган ҳолда ўзининг соғлигини мустақамлашга, спорт билан шуғулланишга, интеллектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишяпти. Аскар бўлишдек эзгу ният уларнинг қалбида она Ватанга садоқат, юрт учун кўксини қалқон қилиш — орият, гурур, мардлик каби туйғуларини мустақамламоқда.

Миллий армиямизнинг бугунги салоҳияти ҳақида ўйлаганимизда ҳам беихтиёр жисмон чиниққан, юксак ақл-идрок, руҳий, маънавий фазилатларга эга бўлган фикри теран, турли вазиятларда тезкор ҳаракат қила оладиган жасур ёшларимиз кўз олдимизга келади. Ҳарбийларнинг нафақат жанговар тайёргарлиги, уларнинг бақувват ва чайирлиги, балки интеллектуал салоҳияти, маънавий дунёқароши кенглиги ҳам юрт тинчилигини асрашда жуда муҳим.

— 2016 йили Махсус авария-тиклаш бошқармасига шартнома асосида ҳарбий хизматга чақирилдим ва хизмат фаолиятимни маданий ҳордиқ ишлари бўйича катта офицер — клуб бошлиғи лавозимидан бошлаб, ҳозирги кунда тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими катта офицери лавозимида хизмат қилиб келмоқдаман, — дейди Абдуқодир Отабоев. — Бошқармада шахсий таркибнинг жанговар шайлигидан ташқари маънавий оламини бойитиш, маданий ҳордиқини чиқариш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, китобхоналик маданиятини ошириш, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан боғлиқ масалаларни ечиш, таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. Жумладан, бошқарма кутубхона фондини янги ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш мақсадида Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда сўнгги бир йил давомида 650та турли номдаги ва энг сўнгги ижтимоий-сиёсий, тарбиявий ва маънавий-маърифий йўналишдаги китоблар олиб келинди. Бундан ташқари, турли ном ва йўналишдаги 400дан ортиқ янги адабиётлар сотиб олинди. Сўнгги йилларда мунтазам шартнома асосидаги ва муддатли ҳарбий хизматчилар учун пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига, жумладан, Ҳазрати Имом, Зангиота, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мажмуаларига, Темурийлар тарихи, Ўзбекистон тарихи, Алоқа тарихи ва Қуролли Кучлар тарихи музейларига экскурсиялар ташкил этилди...

Дарвоқе, мана шундай ҳар томонлама шаклланган, қону-

ний асослари мустақамланган, етарлича шарт-шароитларга эга бўлган миллий армиямизда хизмат қилиш, кўрсатилаётган ғам-хўрликларга муносиб жавоб беришни қайси ўзбек йигити орзу қилмайди дейсиз. Ҳарбий соҳа ходимлари ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларга бир қатор имтиёзлар яратилиб, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилганининг ўзиёқ ҳимоячиларимизга билдирилмаётган юксак ишончдан далолатдир. Хусусан, юртимизнинг қўлгана ҳудудларида ҳарбийлар учун янги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилгани, миллий армиямизда ўз бурчинини ўтаб қайтган йигитларга олий таълим муассасаларига ўқишга киришга алоҳида имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам ана шундай ғам-хўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Айниқса, ҳарбий соҳа ходимларининг бир гуруҳи Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида мустақил Ватанимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланиши улар қалбида Ватанга садоқат ва муҳаббат ҳиссини, бурч масъулиятини янада оширмоқда.

Ўз озодлиги, саодати, тинчлик учун курашган халқ ва мамлакатимиз бугун истиқлол давронига яшамоқда. Миллий армиямиз эса юртимиз мустақиллиги, унинг тинчилиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолатидир. Бу кафолат Конституциямизда ҳам шундай ифодасини топан: “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади”. Ҳақиқатан ҳам, ушбу мезон асосида шакллантирилган миллий армиямиз сафларида бугун ориятли, жасур, шижоати баланд, мард ўғлонлар хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асрашга астойдил бел боғлаган, юрт обрўсини ўзининг ор-номусидек ҳимоя қилишга доимо тайёр турган мард ўғлонларимизни яқинлашаётган Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир маротаба чин дилдан кутлаймиз. Барча ҳарбий хизматчилар, офицер ва генераллар, аскар ва сержантлар, Қуролли Кучлар сафларида мураккаб жанговар хизматни адо этаётган, ўзининг шарафли ҳарбий бурчинини масъулият билан бажараётган ҳарбийларимизга Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш йўлида куч-ғайрат тилаймиз.

Барно СУЛТОНОВА,  
“Xabar” муҳбири





## 4 | "ОБОД ҚИШЛОҚ" ВА "ОБОД МАҲАЛЛА" ДАСТУРЛАРИ АМАЛДА

# Телекомчилар нияти: ОДАМЛАР БУГУНИДАН РОЗИ БЎЛСИНЛАР!

Телекоммуникацияларни ривожлантириш ва эксплуатация бўлимида ҳамisha иш қайнайди. Бўлим бошлиғи Миржаҳон Эшимовдан тортиб ҳар бир ходимнинг иши тигиз, шошилишч. Мана, неча йилларки, шу хонада ишлаганим боис, мен ҳам худди шу бўлимнинг аъзосидай бўлиб қолганман. Ташвишларига ҳам, қувончларига ҳам шерикман. Бу гал ҳаммасини сўхбатга тортидим. Чунки маззу "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларининг ижроси қандай бораётгани ҳақида эди.



– Дастурлар борасида ишларимизнинг бориши чаккимас, – дейди бош мутахассис Равшанбек Парпиев. – Анча-мунчаси ўз вақтида адо этилди. Лекин линия-кабел хўжаликларини тартибга келтириш борасида бизни жуда кўп ишлар кўтиб турибди. Йилда ҳар бир тумандан учтадан қишлоқни телефонлаштириш вазифаси қўйилган, бу ишларнинг югур-югури кўп, муаммолар ҳам ўшанча. Шунинг эътирофи керакки, жойларда ишнинг кўзини билладиган раҳбарлар билан ишлаш мароқли. Жараёнлар анча энгил кечади. Сабаби улар тумандаги барча шарт-шароитларни, имкониятларни

чамалай оладилар. Шунинг учун ҳам биз ишларни раҳбарият билан бамаслаҳат бошлаб юборамиз.

Олий тоифали муҳандис Аҳлиддин Дадажонов ҳам сўхбатга қўшилади:

– Туманларда сидқидил фаолият юритаётган, ишбилги мутахассисларимиз талайгина. Улар билан ҳамкорликда иш қандай бошланиб, қандай тугагани биласиз, ишонасиз. Қувонарлиси шуки, улар давлат идоралари, ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ишлашни яхши йўлга қўйиб олишган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20

февралдаги "Обод қишлоқ" дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан 15та тумандаги 157 минг аҳоли истиқомат қиладиган 45та қишлоқда дастур доирасида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Олтиариқ тумани, Бўрбонлик маҳалласига 4,5 км. оптик толали кабел ётқизибли, мини MSAN қурилмаси ўрнатилган. Фурқат туманининг Қўшчи маҳалласига замонавий GPON технологияси асосида интернет хизматлари тақдим этиш учун 2,5 км. оптик толали кабел ётқизилган. Туман марказига 16 портли OLT қурилмаси монтаж қилинди. Сўх туманидаги Хўшёр маҳалласига 6 км. оптик толали алоқа кабели ётқизибли, 64 мини портли MSAN қурилмаси ўрнатилди. Ўзбекистон ва Қўштепа туманларида алоқа устунлари ва қудуқлари, ҳаво алоқа линиялари тартибга келтирилди...

Дарҳақиқат, айтишгагина осон, ҳамма жараёнлар заминида узлуксиз машаққатли меҳнат ётибди. Ҳар қандай иш ҳам ўзидан амалга ошириб қолмайди. Барчасини белгиланган фурсатда бехато бажариш сабр-тоқат, матонатни талаб этади. Сўх туманидаги Офтобруй ва Тул қишлоқларида кўчма офис иши қилинган натижани берди. Абонентлар сони минг нафардан ошиб кетди. Абонентларга 50та "ЎзМобайл" аппаратлари тақдим этилди.

Ташвишларига ҳам, қувончларига ҳам шерикман. Бу гал ҳаммасини сўхбатга тортидим. Чунки маззу "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларининг ижроси қандай бораётгани ҳақида эди.

Ташвишларига ҳам, қувончларига ҳам шерикман. Бу гал ҳаммасини сўхбатга тортидим. Чунки маззу "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларининг ижроси қандай бораётгани ҳақида эди.

Ташвишларига ҳам, қувончларига ҳам шерикман. Бу гал ҳаммасини сўхбатга тортидим. Чунки маззу "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларининг ижроси қандай бораётгани ҳақида эди.

С ҲАФИЗОВА

## ЎШЛАР ОВОЗИ

# РОБОТОТЕХНИКА БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ


Навоийлик 15 ёшли ўқувчи Сухроб Ҳайдаров EDUTUS университетидан 100 фоизлик имтиёзли грант асосида ўқиш имконига эга бўлди.

2003 йилнинг 26 ноябрида Навоий шаҳрида муҳандислар оиласида дунёга келган ўғлонга ота-онаси орзу-ҳавас билан Сухроб дея исм қўйди. Болакай оиланинг тўнғич фарзанди бўлгани боис унга яхши таълим-тарбия бера бошладилар.

Ўғил бола бўлгани учун ҳам Сухроб болалигидан синган ўйинчоқларини ўзи тузатишга уринди. Боладаги қобилиятни пайкаган ота фарзандига янада кенгроқ имконият яратиб берди. Фарзандига интернетдан қандай фойдаланишни ўргатиб, қуриш ва яшаш бўйича видеороликлар кўришни тавсия қилди. Онаси шифокор бўлгани боис фарзандига компютердан тўғри фойдаланиш тартибларини ўргатди. Шу билан бирга Сухроб 4 тилни, яъни ўзбек, рус, инглиз ва корейс тилларида мукамал сўхбатлашишни ўргана бошладилар.

Ота-онаси ўғилларига амал қилган Сухроб ижтимоий тармоқлардан фойдали видеороликларни кўра бошладилар. Робототехникага оид лавҳаларга кундан-кун қизиқиши ортиб борди.

Ёзги таътил кунлари Сухроб қишлоқда оилавий дам олишни хуш кўрарди.



Қишлоқда ҳам бекор юрмай, бройлер товуқларини парваришлай бошладилар. Товуқларга йилнинг 4 фаслида парвариш керак, лекин доим ҳам қишлоқда яшамайдиган Сухроб 15 ёшида "Ақли катак"ни ихтиро қилди. Бу ихтиро товуқларни профессионал боқиш учун яратилганлиги мутахассислар томонидан алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Мазкур ихтиродан руҳланган Сухроб "Робот Макс" каби IT лойиҳаларини ярата бошладилар. Макс исми робот инглиз, француз ва корейс тилларида эркин сўзлашиши, шу билан бирга 7 ёшгача бўлган болаларга ушбу тилларни ўргата олиши билан омма эътиборини ўзига жалб этди.

Аста-секин қатор робототехника олимпиадалари ҳамда кўрик-танловларида қатнашган Сухроб Ҳайдаров фахрли ўринларни эгаллай бошладилар. Хусусан, 2018 йилнинг октябр ойида "Иқтидорли ёшлар форуми"нинг республика миқёсида робототехника йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллади. Бир ойдан сўнг 24-25 декабр кунлари ўтказилган "Youth techno art-2018" республика танловининг "Робототехника" йўналишида 1-ўринни эгаллаб, халқаро "Youth techno art-2019" фестивал-танловида қатнашиш учун йўланмани кўлга киритди.

Шунингдек, Сухроб Европа давлатларида турли кўрик-танловларда иштирок этди. Жумладан, Россиянинг Нижний Новгород шаҳрида бўлиб ўтган "Кампус-2019" халқаро DIV ва робототехника олимпиадасида фаол қатнашиб, 3-ўринни кўлга киритди.

Венгрияда 2019 йилнинг 8-10 ноябр кунлари бўлиб ўтган WRO-2019 халқаро робототехника олимпиадасида 1-ўринни эгаллаб, EDUTUS университетидан 100 фоизлик имтиёзли грант асосида ўқиш имконига эга бўлди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоят ҳокимларига "IT-PARK"ларни барпо этиш бўйича топшириқ берганида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига қизиққан ёшлар жуда хурсанд бўлди, — дейди Сухроб Ҳайдаров. — Биз ёшлар 2020 йилда ахборот технологиялари соҳасида яратиладиган шарт-шароитлардан умумий фойдаланиб, келгусида юртимиз ривожини учун муносиб ҳисса қўшамиз.

Хозирда Сухроб Ҳайдаров ёш бўлишига қарамай, Навоий вилояти "Баркамол авлод" болалар марказида ташкил этилган "Ёш олимлар клуби"га раҳбарлик қилмоқда. Шунингдек, у Рақамли технологиялар ўқув марказида Робототехника бўйича ментор вазифасида фаолият юритиб келмоқда.



— Навбатчилик яхши ўтдимми? — аясининг овозидан ҳўшига келган қиз уйга етиб келганини англади. Ҳаёлидан ўтганларини волидаи меҳрибони билиб оладигандек қизариб кетди.  
— Тобинг қочдимми? — хавотирга тўла овоз билан қўлларини қизининг пешонасига қўйди.

— Йўге, соппа-соғман. Нонушта ҳам қилмай уй юмушларига урина кетган қиз минг хаёлда ўртанарди. Йигитлар ҳақида сира ўйламасдим. Нима бўлди менга? Бир кўришда-а. Э Худойим, ўзинг кечир. Мен уни унутдим...

Шу билан қалби ором топди. Одатдаги кунлар бошланди. Лекин ҳаёт деганлари қизиқ экан. Ишхонада бир вақт "Ҳамшира Зухраҳон, сизга келишибди", дея чорлашганда чиқиб лол қолди. Не кўз билан кўрсинки: худди ўша йигит! Тим қора кўзлар унга термулиб турибди! Ўткир нигоҳга тоб беролмай кўзларини олиб қочди.

— Кечирасиз. Сизга бошқа бўлимдаги Зухраҳон керакдир?  
— Йўқ, йўқ, айнан ўзингиз керакисиз, — деди йигит шошиб.  
— Лекин... Мен сизни танимайман, хайр. — Қиз ўзини дарҳол ичкари олди. Йигит бўлса, танимасангиз, энди танишамиз-да, деганча қолаверди.

Ол-а, жуда галати бўлдику, жон деб турибсанку, таъна қиларди қиз ўзига. Бунақа мантиқсиз ноз-фироққа бало бормиди-я. Йигит ҳамон йўлақда уни кутиб турганини сезса-да, иш кўни яқунлангач, зинапоялардан юрмай, лифтада тушиб қишлоғига йўл олди. Чиндан ҳам уни кўрмаслиги керак. У жудаям кўркам, келишган, бунақалар кўндиргич бўлади дейдилар. Бу қилмишидан ўртанса-да қалбининг қаеридадир умид учкунлари чақнаб-чақнаб қўяди: келадди!

Таассуфларким, орадан бирикки ой ўтса ҳам йигитдан дарак бўлавермади. Ўзига умидвор кўз тиккан йигитларнинг бирортасини ҳам унга ўхшата олмади: У бошқача, бутунлай бошқача! Бу орада Зухраҳондан сўрамай унаштириб қўйишди.

— Суфдондан совчилар яна келишди. Сени унаштириб қўйди, — деди онаизори. — Яхши оила экан. Машхур Нишонбой ўқитувчининг ўлига. У ҳам дўхтир экан.

— Вой, аякони! — Хитоби ваҳимали чиқиб, ўзи ҳам бирдан чўчиб тушиди-да, нима дейишини билмай, ахир бириримининг кўрмаган, танимаган бўлса қандай қилиб тегиб кетавериш мумкин?..

— Ййе, сени кўрибди, ёқибсан. Тамом-вассалом — фотиҳадан қайтмайдилар.

Қизгина кўнглигини "жиз" эттирган йигитга қиё боқмай қандай хатога йўл қўйганини ўйлаб, эзлиб юрган кунлар яна, ҳамшира Зухраҳон, сизга келишди, қараворинг, дейишди. Бўлим эшигини очдию юраги гўпилаб ура кетди. Формаси ўзига ярашган ўша хушсурат ҳарбий йигит! Боқишларини... қанчалар виқорли, самимий... Э воҳ, энди кеч, жуда кеч.

Эшик юзига тарақлаб ёпилишини ички туйғу ила ҳис этган йигит — Тухтанг, эшикни ёпманг, — деди шошиб. — Мени эшитинг. Мен суфдонликман, исмиМ Қаҳрамон.

Қиз ажабланди. Суфдонлик бўлсанг, менга нима, демокқа оғиз жуфтладию фикридан қайтди.

— Суфдонинг ярми бизнинг қариндошимиз. Лекин сизни энди кўриб турибман.

— Эҳтимол, биз ҳам сизга қариндошимиз. Яхшилаб қаранг-чи.

**Зухраҳон наватчиликни топшириб, уйга отланар экан соатига қаради: 9.00. Тўққиза ўттиздаги рейсга улгуриши зарур. Зинапоялардан югургилаб тушиб борар экан, ҳарбий либосдаги йигитга кўзи тушди. "Бунчалар барваста, кўркам бўлмаса" хаёлидан ўтдию кўзларини олиб қочди. Нигоҳи бунчалар ўктам. Қайси бахти кулган қизнинг ёри экан бу! Ҳамон чопиб борарди, қақриб қолсайди, қақриб қолсайди. Қани юрагининг дукур-дукур босилса. Ўша он йигитнинг хаёлидан ҳам, қандай нафосатли, қай йигитни бахтга чулгаркин бу дилбар қиз, деган фикр айланарди.**

# СЕН ЭЛИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙСАН



— Сиздақа қариндошимиз йўқ.

Хув ўшандагидай гўёки йигитга мутлақо бефарқдек бўлимга равона бўлди. Аммо бу гал қизнинг росмана аччиғи келди. Дилини ёндирган ҳайқирикни тилига чиқиб кетишига бир баҳя қолди: "Нимага кеч келдингиз? Нимага? Мен сизни кутгандим. Жуда кутгандим".

Ишдан чиқиб шўхбекат томон олиб борар экан гамбода юрагига қил сизгиди. Шу пайт кутилмаганда ёнида у пайдо бўлди.

— Зухраҳон, илтимос, яна қочиб қолманг. Мен сизни яхши кўраман. Сизга уйланаман.

— Афсуски, кечикдингиз. Мени... мени унаштириб қўйишди суфдонлик Бахтиёр деган болага. Энди мени излаб келаверманг.

Йигитнинг юзига табассум югурди: — Бахтиёр эмас, Қаҳрамон деган болага денг. Ўша бола мен бўлман. Ахир сиз арсифлик Саидрахмон аканинг қизи Зухраҳонмисиз?

Қизнинг кўзлари порлаб, юзлари қип-қизариб кетди. Хайратомуз бахт!

— А?.. Ростданми? — Қиз энди қувончини яширолмади. — Демак, исмингизни менга нотўғри айтишибди-да, — дея лоларанк яноқларини қафлари билан яширганча ўзини "Фаргона—Арсиф" автобусига урди.

Туй кўни белгиланди. Узуққа кўз қўйгандек бир-бирларига ярашиб турган келин-куёвдан кўз узолмай қолдилар. Бу оламда бахту иқболда уларга тенг келадиган жуфтлик йўқ эди, гўё. Катталар ҳавасланиб дуога қўл очардилар:

— Туф, туф, кўз тегмасин! Кўрганларингиз туй бўлсин, насибаларингиз мўл бўлсин. Ой бахтли, олтин тахтли бўлинглар...

Тақдирда бошқа битиклар борлигини, жунун ёшлик фарогати атиги беш йил эканлигини улар қайдан ҳам билишсин...

Зухраҳон Қаҳрамонни ишга

кузатиш онларини жуда яхши кўрарди. Ана, у формасини олиб киймоққа чоғланиб, пагонини ўпиб-ўпиб қўйди. Бўлмасам-чи, пагон ҳам она Ватан тимсоли. Ҳамма ҳарбийлар ҳам шундай-микан-а. Хар ҳолда унинг жуфти ҳалол шундай инсон — ҳарбийлиги, Ватан ҳимоячиси эканлиги билан чексиз фахрланади. Зухраҳон ҳам Қаҳрамонжон ҳақида сўраб қолшиша, у киши ҳарбий шифокор, ҳозир чегарада хизматда, деганда дилида ифтихор туйғулари жўш уради. Олислаб кетганда "Қаерда бўлсам-да, ёдимдасиз, ёнимдасиз. Онажонимизни асранг, авайланг", дея шешърий мактублар ёзади. Улар Янги йил байрамини айрича хуррамлик билан куттишарди. Ҳарбий ҳар сония ҳарбий-да. Беш дақиқа ун иккида ошиқчи-тошиқчи кириб келар, "Улгурдим-а, улгурдим-а. Қандай соз!" дея онажонининг бағрига отлар, қизалоги Зайнура ни эркалаб сўради. Йўлларига интизор азиз инсонлари борлигидан бағоят масрур эди.

Ачанисо она ҳам шодумон фарзандларига тўймай термулар, улар узоқ йиллар шундай меҳру муҳаббат оғушида яшайдилар деб ишонар, тилидан шукр каломи тушмасди. 2000 йилнинг баҳорига Қаҳрамонжон картошка экишга тутинган парла она кўпдан айтолмай юрганларини боласига тўкиб солди:

— Эртага яна Тошкентга қайтасанми?  
— Ҳа, буважон, хизматчилик.

— Болажоним, шу ерда дўхтирлигини қилиб юрaversанг ҳам булганку...

— Буважон, сиз қайғурманг. Ҳаммаси яхши бўлади. Келаси йил ер олиб бў қиламиз. Заҳирага чиққач, фермер бўлиб ёнингизда юрaversаман. Боғимизга шафтоли, олхўри экамиз. Шундай бў бўлсинки, ҳамма "Уҳ-ҳў, бу Қаҳрамонжоннинг боғи-ку! Боғимсан бўғ бўлибди-да", дейишсин.

— Барака топ, болажоним.

Муроду мақсадингга ет. Аллоҳнинг паноҳида бўл. — Онаизорнинг кўзларида шукроналик, қувонч ёшлари тўла эди...

— Сиз фақат ташвиш қилманг, кўп ўзингизни уринтирманга, хўпми, хўп денг, буважон.

...Лекин Қаҳрамонжон ўзини эҳтиёт қилмади, қилолмади. Жонини Ватан ун фидо қилди. 2000 йил 4 августда Сурхондарёнинг Сарисийё тоғларида хизмат бурчини бажараётганда жангарилар ўқидан ҳалок бўлди. У ўзи эккан "бошини еб қилган" картошкаларни қўролмади.

Ёдгорой туғилди. Зайнураҳон отасига ичичка-ичичка катта бўлди. У мурғак қалби билан отаси қайтиб келмаслигини сезарди. Илк марта уни зиёратга олиб боришганда эндигина еттига қадам қўйган гўдак "Дадажон, сиз тинч ётинг. Мен уларга яхши қараялман" деб катталарни ҳайрон-ҳайрон қолдирганди. Ёдгорой бўлса тили чиқиши билан дадасининг суратига қараб "Дадажон, қачон келасиз? Мен сизни жуда соғиндим. Менинг қўлимдан етаклаб боғчага олиб боринг", дея дилларни вайрон қиларди. У мактабга борадиган кунлар яқинлашган сари юраклар пўкиларди.

— Аякони, унга ўзимиз айтилайик, — деди Зайнураҳон бир кунни. — Бировлардан эшитгандан кўра.

Сўнг Ёдгоройга ётиғи билан аччиқ ҳақиқатни айтишди. Қизалоқ бўлар-бўлмаста кўз ёши қиладиган одат чиқарса керак, деган шубҳада эдилар. Йўқ, бирикки ҳафта тушунлиқдан чиқолмай юрдию ўзини ўнглаб олди. Хатто бир кун "Ҳамма ҳам бир кун ўлади. Лекин бизнинг дадамиз Ватан учун жонини қурбон қилди" деса бўладими... Кўз ёшларини тўхтатиб бўлмади. Қизалоқ уларнинг кўз ёшларини артар, Ачанисо онанинг кўз ёшларини артиб, сиз йиғламанг, сиз йиғласангиз дадам хафа бўлади, ўзингиз шундай деган сиз-ку, дерди. Ҳа, Ачанисо онанинг набири қизалоқлари тенгқурларидан анча тез улгайишди.

Оқила қизалоқ ҳар кун мактабга йўл оларкан, дадажон, мен мактабга кетдим, яхши қолинг, дерди. Мактабдан келиб яна салом беради: "Дадажон, мен бешта беш баҳо олдим. Муқаддас олам, отанга раҳмат, деб китоблар, дафтарлар берди..."

Раҳматли Ачанисо она Ёдгоройнинг ана шу фазилатларини бир қилиб, бир йиғлаб ҳижоа қилиб беради. Шу сўхбатларга ҳам мана неча йиллар бўлибди. Онаизор Зайнураҳонни яхши жойга унаштирилган кунни боқий

дунёга сафар қилибди. Бувилари ва аялари тарбиясида Зайнураҳон билан Ёдгорой ҳамма ҳавас қиладиган фарзандлар бўлиб фазлу камолга етдилар. Мен бу оилани яхши биламан. Кўп марта ёзганман. Мени оила ҳаётидаги ўзгаришлар жуда қувонтиради. Зайнураҳон Марғилон тиббиёт касб-хўнар коллежида ўқиди, энг намунали оилага келин бўлиб тушди. Ҳозир Салоҳиддинжон билан икки фарзандни катта қилишяпти. Янаям қувончлисиз, у бултур Фарғона давлат университети биология факультети, 2019 йили Ёдгорой Андижон тиббиёт институти даволаш факультетида имтиҳонсиз қабул қилинди. Зухраҳоннинг севинчи ичига сизга:

— Президентимизга мингдан-миг раҳмат. Бизга бўлаётган гамхўрликларнинг хадди-ҳисоби йўқ. Умуман, байрамлариде, Ватан ҳимоячилари кунда, Мустанқиллик байрамида нафақат ҳарбийлар, балки жуда кўп тақшлотлардан қадам ранжида қилиб иззат-иқром кўрсатиб кетишади. Улар сон-саноксиз. Аввалги йили менга "Матонатли аёл" фахрий унвонини ва телевизор топшириш маросимиде виллоят ҳокими "Ҳақиқий муқаррама аёл, буюк онаси! Сиз ҳар қанча бўлсин эҳтиромларга мўносибсиз. Матонатингизга тасанно!" деган сонияларда қалбимдан кечганларини айтиб адо этолмайман. Бу сўзлар, ишонинг, менга энг катта муқофот, энг қудратли далда бўлди. Демак, мени тушундилар, Қаҳрамон Мадолитмовни асло унутмайдилар...

Зухраҳон Қаҳрамон ва Судависжон набиралари туғилгандан бўён ёқимли ташвишлар ичида қолган. Уғил неварани кўрганлар "Бобосининг қуюб қўйгандек ўзи-я. Кичкина Қаҳрамон!" дейишганда жудодик алами бироз нари кетади. Айтганча, Қаҳрамонжоннинг орзусини Ачанисо она бошчилигида ака-укалари амалга оширишди.

Қаҳрамон тасаввур қилгандек аjoyиб бў барпо бўлган. Бу боққа ҳам ун сақиз иллича бўлиб қолди. Ана, Қаҳрамонжоннинг боғи. Қандай чиройли, қандай гузал! Сиз баҳорда келинг, қаппар уриб қуллаган дараклардан, ёзда келинг, ширин-шакар мевалардан баҳри дилингиз янаша-йираб кетади. Эл қалбида яшаётган Қаҳрамондан шундай болтомар боғлар қолган.

...20 январ Қаҳрамонжоннинг туғилган кўни. У оқлик, поклик рамзи бўлган қорни, қор ёғаётган дамларни жуда-жуда хўш кўрарди...

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
"Хабар"нинг Фарғона  
виллоятига муҳбири



## 6 | НАЛОГИ

## ШТРАФОВ ЗА УКЛОНЕНИЕ ОТ ЭЛЕКТРОННЫХ СЧЕТОВ-ФАКТУР НЕ БУДЕТ ДО 1 ИЮЛЯ

Президент Шавкат Мирзиёев подписал постановление «О мерах по обеспечению исполнения закона Республики Узбекистан «О государственном бюджете Республики Узбекистан на 2020 год».

В нем Государственному налоговому комитету (ГНК) поручается в срок до 1 июля 2020 года внести предложения по:

- упрощению порядка представления налоговой отчетности для налогоплательщиков, перешедших на ведение электронных счетов-фактур;

- внедрению мер ответственности за уклонение от ведения электронных счетов-фактур и онлайн контрольно-кассовых машин.

На сайте [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) пишут, что налоговые органы до 1 июля не будут применять меры ответственности за нарушение установленного порядка, так как необходимо подкрепить большое количество налогоплательщиков к операторам.

ГНК вместе с Мининфокомом будут работать по увеличению количества опе-



раторов, а один из них, Soliqservis, как сообщает пресс-служба комитета, будет в течение I квартала предоставлять услуги бесплатно.

Президент также поручил до 1 апреля 2020 года полноценно внедрить систему обмена электронными счетами-фактурами в сотрудничестве с операторами.

## ONЛАЙН УСЛУГИ

## СЕРВИС ПРОДАЖИ ОНЛАЙН-БИЛЕТОВ TKT.UZ НАЧАЛ РАБОТУ В БЕТА РЕЖИМЕ

TBC Bank Group PLC в Бета режиме запустила в Узбекистане сервис продажи онлайн-билетов TKT.uz.

Это продолжение грузинского сервиса электронных билетов TKT.ge, который был запущен в 2015 году компанией Lemondo. В 2018 году TBC Bank купил сначала 26% компании, а год спустя довел свою долю до контрольного пакета (55%).

В конце декабря 2019 года Spot писал, что в Узбекистане уже зарегистрировано ООО Online Tickets, которое займется платформой TKT.uz. В январе 2020 сайт начал работу.

Несмотря на то, что

сайт запущен в тестовом режиме (на это указывают, например, карты, которые отображают Гру-



зию), здесь уже можно купить билеты на сеансы Государственного академического русского драматического театра.

В категории «Кино» представлена афиша кинотеатра Asia Cinema. Кнопка «Билеты» пока

не активна, но, по данным Spot, билеты скоро будут доступны, потому что ведутся работы по интеграции с системой кинотеатра.

В категории «Концерты» можно купить билеты на концерт Сосо Павлиашвили, который пройдет 31 января во дворце Дружбы Народов.

При выборе места можно фильтровать билеты по стоимости. Электронные билеты приходят как на почту, так и по SMS. После покупки билет можно оставить себе или поделиться с другими людьми через SMS или почту. Билет можно распечатать или показать на телефоне при входе.

## ТРАНСПОРТ

## ЕДИНАЯ ТРАНСПОРТНАЯ КАРТА ПОСТУПИЛА В ПРОДАЖУ

С 1 января 2020 года в общественном транспорте Узбекистана начинают поэтапно внедрять единую автоматизированную систему оплаты.

Систему внедряют поэтапно:

- начиная с 1 января 2020 года — на некоторых автобусных маршрутах и в метро Ташкента;
- начиная с 1 августа 2020 года — в Нукусе и областных центрах;
- начиная с 1 января 2021 года — по всей стране.

Занимается проектом Uzcard, которая выступает исполнителем по разработке программного обеспечения, его интеграции и внедрению.

В пресс-службе «Тошшахартрансхизмат» сообщили, что карты уже поступили в продажу, а валидаторы установлены в автобусах столицы. Стоимость карты с бесконтактной технологией NFC составляет 11 тыс. сумов. Купить ее можно в киосках.

Пополнение карты возможно через мобильное приложение или посредством приложений MyUzCard, Click, Payme, а также в пунктах приема оплаты Paynet.

Управлять картой можно на сайте [Atto.uz](http://Atto.uz). Там же можно получить подробную информацию о системе.



## ОБРАЗОВАНИЕ

## КОЛИЧЕСТВО ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ KUNDALIK ПРЕВЫСИЛО 200 000 ЧЕЛОВЕК

Kundalik — платформа электронных журналов и дневников в школах Узбекистана, разработанная на базе технологического ядра информационной системы российской компании «Дневник.ру».

Тестирование продукта началось в апреле 2019 года, когда к нему подключили 53 школы Ташкента. На конец года ее распространили на Ташкентскую, Бухарскую, Самаркандскую, Наманганскую и Кашкадарьинскую области.



Всего с системой работает 304 школы, зарегистрировано более 115 тыс. детей, 101 тыс. родителей и 23 тыс. педагогов. В среднем платформу посещают 18 тыс. человек в сутки.

За время работы было выставлено 44 млн. оценок, выдано 1,5 млн. домашних заданий. Для учителей проводятся обучающие семинары. С начала учебного года они прошли более чем в 100 школах.

## ТЕХНОЛОГИИ

## В СМАРТФОНАХ 2020 ГОДА ПОЯВЯТСЯ НОВЫЕ 48-МЕГАПИКСЕЛЬНЫЕ КАМЕРЫ

Если ранее поставками 48-мегапиксельных модуле занимались компании Samsung и Sony, то теперь появился новый поставщик.

Дело в том, что вышеупомянутые компании не могли обеспечить все компании своими модулями камер, но теперь все изменится, так как в этом сегменте появилась еще и производитель OmniVision.

Эта компания представила свою 48-мегапиксельную камеру, заявляя, что она сможет делать качественные снимки.

Модуль имеет название OV48C и он достаточно компактный, при этом оптический формат составляет 1/3 дюйма, а размер пикселей составляет 1,2 мкм.

Новый датчик позволит делать качественные фото, в том числе и в режиме ночной съемки. Также заявлена технология объединения пикселей с фильтром Quad Bayer, но в таком случае разрешение снизится до 12 Мп.

Есть и поддержка записи видео в разрешении 8K без объединения и 4K с частотой 60 к/с в случае объединения пикселей.

С помощью новой камеры можно создавать и замедленное видео 240 к/с при разрешении Full HD или 360 к/с при разрешении 720p. Также стоит отметить цифровой зум, фазовый автофокус и поддержку HDR.





# UNICAC



қалар бўлимлари инфратузилмасини янгилаш;

- миллий ва минтақалараро таъсияларни ишлаб чиқишда қиёсий таҳлилларни ривожлантириш;

- ОТМларда халқаро ҳамкорлик сиёсати ва бошқарувини тақомиллаштиришга йўналтирилган битта амалиёт китоби ва битта услубий қўлланма яратиш;

- Ўзбекистон, Тожикистон ва Хитойнинг иштирок этувчи университетларида халқаро ҳамкорликни стратегик ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш;

- Халқаро ҳаракатчанлик ва ҳамкорлик учун UNICAC ҳамкорлик асосларини ривожлантириш;

- натижаларни синовдан ўтказиш учун талабалар ва профессорлардан ташкил топган гуруҳ халқаро алмашинувини амалга ошириш.

Юқоридагилар асосида шунга таъкидлаш мумкинки, UNICAC лойиҳасининг амалга оширилиши ҳамкор университетларнинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги имкониятларини янада оширишга хизмат қилади.

**Ш.ИСМОИЛОВ,**  
ТАТУ доценти, UNICAC лойиҳаси қатнашчиси

## Ўзбекистон таълим тизимида Европа Иттифоқи дастури лойиҳаси асосида халқаро ҳамкорлик ривожлантирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорида халқаро алоқаларни ривожлантириш, қўшма дастурлар самарадорлигини кўтариш, халқаро ҳамкорликнинг янги шаклларини ташкил этиш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хорижда фаолият юритаётган ватандошларни Ўзбекистон олий таълим тизимига жалб этиш кабилар асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб ўтилган.

Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси доирасида бугунги кунда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, университет олимлари Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасида ўндан ортиқ лойиҳалар устида ишлашапти. Марказий Осиё ва Хитой университетлари ўртасидаги билимлар алмашинувини шакллантириш (UNICAC) лойиҳаси шулардан бири ҳисобланади. Лойиҳада Ев-

ропанинг учта – Севиля университети (Испания) – координатор, Турин университети (Италия), ЛАУРЕА университети (Финляндия), Ўзбекистондан иккита университет – ТАТУ ва ЎЗМУ, Хороз давлат университети ва Хўжанд иқтисодиёт ва савдо институти (Тожикистон) ҳамда Шинжон университети, Шимоли-Фарбий политехника университети ва Шимоли-Фарбий ўрмон ва қишлоқ хўжалиги университетлари (ХХР) иштирок этмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсади Марказий Осиё ва Хитой уни-

верситетлари ўртасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, таълим жараёни очиклигини ошириш, ўзаро талабалар алмашинуви ва халқаро илмий фаолиятни йўлга қўйишдан иборат. Лойиҳани бажариш муддати уч йил бўлиб, 2022 йил январ ойигача давом этади. Биринчи йили – 2019 йил давомида тўртта семинар-тренинг ташкил қилинди. Ушбу семинарларда университетимизнинг олти нафар профессор-ўқитувчиси иштирок этиб, таълимда эришган ютуқларимиз ҳақида маърузалар қилишди,

ҳамкор университетлар илгор тажрибалари билан танишишди.

Хозирги кунда лойиҳа иштирокчилари ўзаро ҳамкорликни янада яхшилаш, келишув меморандумларини имзолаш ва профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар алмашиш масаларини кўриб чиқмоқдалар. Шу кунларда ТАТУ ва Севиля университети профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон университетларига Европа кредит тизимини жорий этиш масаласига бағишланган янги лойиҳани тайёрлаб, ERASMUS+ дастурининг 2020 йилги танловига тақдим этиш устида ишлашмоқда.

UNICAC лойиҳаси якунида куйидаги натижаларга эришиш кутилмоқда:

- иштирок этаётган ОТМларда стратегик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, халқаро ало-

### АСР ЖУМБОФИ

"Вақт уч ўлчамли, уни на сиқиб, на кенгайтириб бўлади", деган гапларни китобларда ўқиганмиз. Аммо қачондир вақтни, соатни ифодалашда тўсиқларга учраймиз, деб ҳеч ўйлаганмисиз? "2038 йил муаммоси".

Эми ҳам айтиб турибдики, ечимсиз жумбоқ воқеаси 2038 йилда, яъни 18 йилдан сўнг содир бўлиши керак. Ҳали 18 йил бор экан-ку дейишингиз мумкин, аммо муаммо деярли 50 йилдан бери ечимсиз қолмоқда. Ана шундай муаммо қаршида турибмиз.

"2038 йил муаммоси" кўп рақамли тизимларда вақтнинг ифодалаш билан боғлиқ, чунки 1970 йил 1 январдан бери ўтган сониялар 32 битли иккилик саноқ тизимида сақланиши мумкин бўлмай қолади.

Бу воқеа 2038 йил 19 январ кунин соат 03:14:07 (UTC)дан кейин вақтни кодлай олмайди. 2038 йил муаммоси танланган сақлаш мосламасининг етарли ҳажмига эга эмаслиги билан боғлиқ.

#### Техник сабаблар қандай?

Жуда қизиқ-а, биз вақтни ҳисоблай олмай қолсак. Худди бу "қорним тўйди, ортиқ ҳеч нарса ея олмайман" дейишга ўхшайди. 32 битли бутун сон вақт форматида кўрсатилиши мумкин бўлган сўнгги вақт 2038

# "2038 ЙИЛ МУАММОСИ"

## 50 ЙИЛДАН БЕРИ ЕЧИМСИЗ ҚОЛАЁТГАН ЖУМБОҚ

Йил 19 январ, сешанба кунин соат 03:14:07 бўлади (231-1 = 2,147,483,647 сония). Ҳисоблагич ишлатилиши мумкин бўлган сонлардан кам, худди бу концертга чиқарилган чипталар сонига ўхшаб санокли аслида. Шунинг учун ишорани биров ўзгартиради ва максимал манфий сонга етгунча ҳисоблашни давом эттиради (кейин ҳисоблашни яна давом эттиради, нолга, сўнгра яна мусбат бутун сонларга ўтади). Бундай тизимларда хато ҳисоб-китоблар натижасида фойдаланувчилар ва бошқа ишончли томонлар учун муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, нима бўлганда ҳам муаммо бўлаверади, бўлаверади. Ўтган 50 йилдан бери айтарли жавоб топилмади.

#### Дастлабки муаммолар рўй бериб бўлди

2006 йил май ойида AOLserver дастурий таъминотида "2038 йил муаммоси"нинг эрта намоён бўлганлиги ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Дастур

вақтни "ҳеч қачон" қилмаслиги керак бўлган маълумотлар базаси сўровини бажариш учун яратилган. Ушбу махсус ишни кўриб чиқишнинг ўрнига, дастлабки дизайн келажақда ўзбoшимчаллик билан тугаш санасини кўрсатган. Сервер учун таймер конфигурацияси шунини кўрсатдики, сўров бир миллиард сониядан кейин тугаши керак эди. 1 млрд. кўпга ўхшайди-я? Аммо шу гапни ўқигунингизча 100 сония ўтиб бўлди. Вақт қадрсизланиб бормоқда.

#### Заиф тизимлар

Ота-боболаримиз ишни бошидан пишиқ қилишга ўргатишган. Бироқ бу борада қилган ишларимиз пухта бўлмаганга ўхшайди. Ҳисоблаш ёки ташхис ёзувлари учун сана ишлатадиган тизимлар катта эҳтимол билан "2038 йил муаммоси"га кўпроқ дучор бўлишади.

Рақам ва саналарга асосланган тизимлар: интернет, симсиз алоқа воситалар, мобил дастурлар яна бошлангич 0га қайта-



ди ва бу турли бузилишларга дуч келиши мумкин. Баъзи курилмалар қайта тикланмаслиги ҳам мумкин.

#### Муаммога ечим борми?

"Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади" дейди донолар. Уша донолар шунча жумбоқларга жавоб топишган экан-у шу муаммо қаршида ожив экан-да. Мана 50 йилдан бери ҳали мақбул усулни топа олмадик. "Сих ҳам, кабоб ҳам куймасин" дейишган боболаримиз. Шунга қарамасдан, сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмайдиган, минглаб 32 битли вақт тизимига асосланган технологияларнинг умрини узайтирадиган аниқ универсал ечим йўқ.

Шунга қарамасдан, вақт тизимини 64 битли тизимга ўзгар-

тириш ижобий натижа бериши мумкин, яъни агар бутун сонли тизимларга ўта олсак, бу 2106 йилнинг 7 феврал якшанбасига қадар давом этиши мумкин. Ҳарна-да, яна 86 йил ўйла-сак, мақбул ечим топилиб қолар. Ноумид шайтон.

64 битли тизимга ўтиш бугунги кун технологиялари учун осонгина кўринса ҳам, унутмаслик керакки, ҳозирда фойдаланилаётган, вақт параметрларига асосланган техник воситалар жуда кўп. Уларнинг барчасини 64 битли тизимга ўтказиш амалда мумкин эмас. Умид қиламизки, бу муаммонинг ечимини яқин йиллар ичида топилади ва халқаро иқтисодиёт бундан зарар кўрмайди.

Санжар ШОМУРОДОВ



## 8 | АХЛОҚ, АДАБ, ОДАМ



**Ш**у пайт учинчи ҳамсуҳбат Дилдоранинг қўл телефони жиринглаб қолди.

– Алло, Фарида, сенмисан, нега аканг билан тортишасан, борсам терингни шилиб олам. Мен сенларга неча марта айтганман, уришма, деб. Ҳали уйга борай икковингнинг ҳам кунингни кўрсатаман, – деди Дилдора телефонда қизига ўдағайлаб...

Бу ишхонада яна бир аёл бор. Фақат биргина шу аёл ҳамкасблари ҳангомаларини жимгина эшитиб ўтирар, унинг осойишталигини кўрган одам Адолатни бу дунёнинг ташвишларидан йироқ, ҳеч қандай муаммоси йўқ, деб ўйларди. Унинг бу ерда иш бошлаганига тўққиз ой бўлган бўлса-да, ҳали бирор марта ким биландир тортишганини ёки кимнингдир орқасидан ғийбат қилганини ҳеч ким эшитмаганди. Ҳаётдан ёки турмуш ташвишларидан умуман нолимасди. Жуда хушчақчақ, деб бўлмаса-да, аммо бирор гапни бошлаганидан кейин ўзини бахтиёр ҳис этиб юрaverади-да, одамнинг қанча кўп муаммоси бўлса, бизга ўхшаб жиззак, гап кўтаролмайдиган бўлиб қолади”, дерди. Яна баъзилар “Бизга ўхшаб икки-уч болани оёққа турғизса, кўрамыз асабларининг чидаганини. Битта қизи-ю эридан бўлак ташвиши йўқ-да унинг”, дейишарди. Ишхонадаги ҳамкасблари уни ҳазиллашиб орқаворотдан

“Адолат – атиргул опа”, деб аташарди. Боиси, у кунда-кунора ишхонага қўлида турфа рангли атиргул кўтариб келар, бу гуллардан кечгача хонада ёқимли ифтор таралиб турарди.

Аёллар айтганидек, Адолатнинг бир нафар қизи бор эди. Ишхонадаги аёллар фарзандларини “терисини шилиб олиш” билан кўритса у қизини доимо майин, ёқимли овозда “қизалогим”, “асалим”, деб эркалатарди. Бошқа аёллар эрининг ношудлиги, бўшлиғи ёки уйим-жойим демаслигидан нолиса, у турмуш ўртоғи билан “дадажониси”, “хўжайин”, деб гаплашарди. Ишхонада аёллар иш вақтидаям, тушлик пайтидаям ҳамма мавзунини бир-бир ўртага ташлаб, баҳс-мунозараларга берилиб кетган кўрилади у ё компьютерда алланималар ёзар ё бирор китоб ўқийётган бўларди. Уни, умуман, аёллар суҳбатига қўшилмайди, деб бўлмасди. Адолат ҳам гоҳ-гоҳида суҳбатларга аралашар, лекин ҳеч кимни қораламас, ҳеч ким ва ҳеч нарсадан нўлимас, фақат “Ундай деманг, дугонажон, ҳаммаси ҳали яхши бўлади, мана кўрасиз”, “Сиз майда-чуйда нарсаларга эътибор берманг, ахир, тўрт мучангиз соғ, атрофингизга қаранг, ҳамма нарса чиройли”, деб таскин берарди.

– Адолат фалончиевнанинг эри катта ишда ишлайди, шунинг учун у эрини “дадажониси”, “хўжайинжон”, деб хурматлаб гапиради-да, – дерди аёллар. Аёллар дастлаб Адолатдан “эрингиз қаерда ишлайди”, деб сўраганида у кулани оёққа турғизса, кўрамыз асабларининг чидаганини. Битта қизи-ю эридан бўлак ташвиши йўқ-да унинг”, дейишарди. Ишхонадаги ҳамкасблари уни ҳазиллашиб орқаворотдан

бўлгани учун ҳам бизлар билан апоқ-чапоқ эмас, ўзини баланд олади, деб ўйлашарди.

Шундай оддий кунларнинг бирида ишхонага Дилобарнинг аммиси Қумри хола келди. Айни тушлик пайти аёллар иштаҳа ва ҳафсала билан тушликка тайёргарлик кўришаётган эди. Адолат эса, бу пайтда аёллар билан тушлик қилолмаслигини айтиб, шошиб чиқиб кетаётганди. Дилобарнинг аммаси уни орқасидан кўриб қолди-ю аёлларга қараганча: “Анув шошиб кетаётган Адолат эмасми?”, деб сўради.

– Ҳа, Адолат, сиз уни қаердан танийсиз? – деди аёллардан бири.

– Ахир, у менинг маҳалламдан-ку. Мен уни жуда яхши танийман. Қўшни маҳаллага келин бўлиб тушган. Жуда ажойиб, баъмани қиз эди-да ўзиям. Лекин унинг бошидан кечирганлари душманнинг бошига ҳам тушмасин, – деди хола хўрсинганча.

Шу куни аёллар Дилдоранинг аммасидан Адолатнинг эрини бундан беш йил олдин машина уриб кетганини ва ҳали-ҳамон оёқлари ишламай тўшакка миҳланганини, фарзандсизлиги боис қайинопасининг ногиронлиги учун муруват уйига топширмоқчи бўлган қизини асраб олганини билиб олишди.

– Аввалига бефарзандлигини юзига солавериб қайнопасини Адолатнинг бошига роса итинг кунини солди, кейин айб ўғлида эканини билгач тилини тишлади, – деди гапини тутатаркан хола.

– Энди-чи, энди ўғлига, ногирон неварасига қараб ўтиргани учун у келинига раҳмат айтаётгандир, – деди Каромат Адолатнинг бошидан шунча кўргуликлар ўтганига ҳалиям ишонқирамай.

– Гапирманг, у Адолатдан кейин иккита келин тушириб, келинлари тилли-жағли эканми, боши гурбатдан чиқмай қолди. Ҳар гапининг бирида Адолат тилла экан, деб эси кетади. Адолат шунчалик олижаноб аёлки, бирор марта қайнопасининг берган озорларини юзига солмайди. Уйига меҳмон бўлиб келишса, юзида табассум билан кутиб олади.

Бу пайтда Адолат уйига меҳмон келадиган бўлиб, ишдан эртaroқ қайтган, ховлисидаги гуллардан бир дастасини териб гулдаста ясаётган эди.

Эртасига Адолат ишхонага борганида столлар устида атиргуллар қўйилган, аёллар ҳам негадир ўзгача – турмуш ташвишларидан нолиниб эмас, балки ишга кўмилиб ўтирган эди.

Адолат стол устидаги атиргулларни кўриб хайрон қолди. Аёллар билан бирма-бир саломлашаркан, уларнинг ўзига меҳр билан қараб туришганини ҳис қилди.

– Ҳайрон қоляпсизми? – деди Дилдора унинг елкаларидан кучганча. – Энди биз ҳам хонага гуллар билан кириб келамиз. Сиздан яшашни, ҳаётни севишни ўрганяпмиз. Ҳа-ҳа, яшашни. Ишхонамизга сиз ўзингиз билан файз олиб келдингиз. Сизнинг сабр-бардошингиз биз учун ҳар жиҳатдан ибратли.

Адолат одатига кўра майингина жилмайиб қўйди. У биларди, қачонлардир бошидан ўтганларини ишхонадаги ҳамкасблари эшитишини ич-ичидан сезарди. Шу пайт радиодан ёқимли куй таралди. Куйга монанд кўшиқ янгради: “Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё...”

**Барно СУЛТОНОВА,**  
журналист

– Хўжайинимнинг инжиқлиги жуда жонимга тегди-да, – деди Мухтабар ҳар доимгидек эридан нолиганча. – Қачон қараманг, касалдан боши чиқмайди. Пул топмайди демайман, топади, топгани ўзидан, доридармонидан ортмайди. – Айтманг, ўзининг муаммоси етмагандек, баъзида қариндошларининг ҳам ташвишини ортмоқлаймиз. Айниқса, биз шаҳарда яшайдиганларнинг уйи меҳмонхона. Баа-ари кунда-шунда. Худди уларнинг жони жон-да, бошқалар ердан чиққан кўзиқорин, ҳеч ҳаловат йўғ-а, – деди Каромат ҳам яна ўша эски дийдиёсини бошлаб.



Сарлавҳани ўқиб яна қайси тили заҳар келину қаттиққўл қайнона ҳақида гапирлар экан, деяётгандирсиз. Бироз шошилдингиз. Биз бугун шу биргина игна сўзини турли англашилмовчиликларга жавобан аччиқ, кесатиқларга эмас, балки оиладаги муомала ва муросага ўзгача бир илиқлик олиб кириши ҳақида сўз юритмоқчимиз.



# ҚАЙНОНАНИ ҚАЙНАТМАГАН “ИГНАЛИ КЕЛИН”

**Б**ир қарашда ўзи мулоим кўрингани билан ҳар битта луқмада “игна”ларини санчиб-санчиб олади, деган гап қулоғимизга чалиниб туради баъзан. Ҳа айтганча: “Қайнона қайнамаса, келинлар айнимайди” деган мақол ҳам бор халқимизда. Энди қайнонани қайнатмайдиган “игнали келин”ларга келсак, айна мавзуйимиз ҳам оилада муросасизликдан кўра, тинч-тотув ва бахтли ҳаёт ҳақидаги тушунчалари анча бой аёллар хусусида. Келин, яхшиси гувоҳи бўлган воқеамни айтиб бера қолай.

Яқинда йўл-йўлакай икки аёлнинг суҳбати эътиборимни тортди.

- Санобархон, ҳалатим ярашибдими, ўтган ҳафта олдим.
- Вой, опа, жуда чиройлисидан олибсиз. Ўзи сўрамоқчи бўлиб тургандим. Бичими бежиримгина экан, ўзингизга қуббадек тушибди, охириги “мода”ку, қанча экан?
- Ярим пулига олдим. Тўғрироғи, ҳалат олиш ниятим йўқ эди. Бир сотувчи аёл, чоки нотўғри кетиб қолган, тахлamlар орасидан битта шунақаси чиқиб қолди. Ярим нархининг ярмига сотаман, деб қолди. Қўлимга олиб қарасам, бироз нуқсонли демаса, туппа-тузук кийим. Сотувчининг айтган пулини бердимда уйга олиб кетдим. Барака топсин, келиним Нозимахон яхши-да. Ҳалат чокларини сўкиб, бошқатдан тикиб берди. Бозордаги қайси халатдан кам, қани бир кўрингчи? – опа қаддини ростлаб эндидаги халатга ишора қилди.
- Иккинчи аёл суҳбатдошига назар ташлар экан, келиннинг ёш бўлса ҳам бало, деди бошини сарак-сарак қилиб.

– Бало деманг, яхши денг. “Игнале келин” бўлгани яна ҳам яхши экан. Уйда йиртилган, сўкилган нарсанинг ўзи йўқ. Барака топсин, ўғлимнинг топиб-тутиб келганиниям жой-жойига қўяди. Борини ошириб, йўғини яшириб, рўзгорнинг баракасини учирмай расамад қилишнинг удасидан чиқади. Ҳам пазанда, ҳам қўли тўғри. Илоҳим, ўғлим билан қўша қариб, бахтли бўлсин! Фарзандларининг роҳатини кўрсин! Қиз ўстирган кудаларимга раҳмат!

Опахоннинг келинидан миннатдорлигини уни мақтаётганидан билиб олиш қийин эмасди. Аммо суҳбатдош аёл бунга жавобан мутлақо бошқача муносабат билдирганини тушуниш қийин.

- Сизники-ку дурустгина, менинг келиним қачон одам бўлар экан-а? Қилар иши битта боласига қараш-у ош-овқат, ҳали боласи, ё бўлмаса ўзи касал. Энди дардимни дастурхон қилсам, гап кўп опа, – дея қол чимирганиничи?
- Йўл-йўриққа соласиз-да энди ўзингиз, – босиқлик билан маслаҳат берган бўлди биринчи аёл.
- Унга ўргатавериби, ўргатавериби ўзимда қолмади. Билмадим нима қилиш керак ўзи? – елка қисди иккинчи аёл.

Аёллар суҳбатлашганча йўлида давом этишди. Очиғини айтсам, келинидан рози бўлиб гапирётган аёлнинг икки оғиз сўзидан кейин шундай эъозга, иззат-хурматга лойиқ эканлигини ҳис этдим. Иккинчи қайнонанинг сўзлари эса бироз ўйлантирди ва “Қарс икки қўлдан чиқади” мақоли бежизга айтилмаган экан, деган хулосага келдим.

Аслида оилага ўғилнинг ор-

тидан бегонанинг бир жигар порасини қабул қилишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор-да. Қолаверса, халқимизда “Бу қизи ўзи бир ишни қойиллатмайди, устига-устак тили заҳар, қўй шу қизни, бошқасини топ” дегувчиларга қарата: “Ундай деманг, бундан борган жойининг остонаси билди” қабилдаги жавобларнинг ҳам гувоҳи бўламиз. Ҳаётнинг ўзи катта муаллим, у инсонларни моҳирлик билан тарбиялайди. Агар мулоҳаза қиладиган бўлсак, ҳар амалимизда бир ҳикмат бордек кўринади. Юқоридаги ҳолат бунга яққол мисол бўлади. Чунки интилганинг сайин юзга чиқиб инсон табиатига хос бўлиб, бу яхшиликка, эзгуликка эшик очса, камситиш, қоралаш, камчилик излашу нолишларнинг охири... Ҳаёт йўлларида қатор муаммо дегани. Сиз бунга нима дейсиз? Бун қарангки, ким нима деса десину бир гувоҳ сифатда фикрим, кўрган кўзу эшитган қулоққа қош чимириб нолишдан кўра, меҳр ва муҳаббат билан алқаш ёқар экан. Тил билан ҳар жумлада “игна”ли сўзларни “санчиб-санчиб” олишга қараганда, игна тутган қўлнинг шарофатидан оилавий тотувлик ва муросада айна муллоҳлигига ишончимиз комиллигинику гапирмасаям бўлади.

Уйимизда ўғил-қиз вояга етар экан, уларнинг таълим-тарбиясидан муҳимроқ жиҳат йўқ. Аммо бу борада биз ҳамиша шундай масъулият тизгинини бирдек тутиб тура оламизми? Шу саволга иккиланмай “ҳа” деган жавобни айтаемизми? Тўғриси тан олишимиз керак, баъзи ўринларда “ҳа” дейишга бироз иккиланамиз. Агар биз иккилан-

май “ҳа” дея олганимизда, бизнинг ҳам, фарзандларимизнинг ҳам ҳаёт ҳақидаги қарашлари ҳар қандай вазиятда ёрқин рангда бўлар эди.

Яна юқоридаги “игнали келин” веқеасига қайтаемиз. Шу келиндан ибрат оларли жиҳатлар кўп. Унинг оилавий ҳаёти тинч-тотувликда ўтди. Чунки айнан шу оилада биргина келин эмас, балки қайнона тимсолида барча инсонлар ҳаётдаги майда-чуйда камчилики баъзиларга ўхшаб катталаштиришдан фарқли ўлароқ, инсонийлики қадрлаши ойдек равшан бўлиб турибди. Уларнинг қалбига одамийлик чуқур жой эгаллаган. Бунда кўзи билан кўриб турган воқеаликка ҳам нолиб муносабат билдирган қайнонани балки “манфий” томон деб қараш керакдир?.. Яна билмадим.

Шу ўринда муомала-муроса борасида гап кетганда, ёшлардан камчилик излаш эмас, балки борини борича кўра билиш ва йўл-йўриқ, маслаҳат бериш орқали ижобий натижага эришиш мумкинлигини ҳам таъкидлашимиз керак. Яна бир жиҳат, оилада онанинг қанчалик адолат билан тўғри қарорлар қабул қилиши жамият ичидаги кичик жамиятнинг истиқболи порлоқ бўлишини таъминлашини ҳам унутмаслигимиз лозим. Аммо орамизда юқоридаги сингари рўзгорбоп яхши келинни кўриб “бало”, бироз нуноқроғини “одам бўлмади” дейдиган қайноналар ҳам минг афсуски топилади. Энг ёмони, шундай инсонларнинг оиласида келишмовчилик, жанжал, турли арзимаган хатога аччиқ-аччиқ гап-сўзлар тез болаёлади. Ачинарлиси, шу оилада улғаяётган қизими-

ўғилда шундай совуқ вазиятга кўникиш пайдо бўлади. Ва эрта бир кун ўзга хонадонга узатилган қизда қайнона – ба-рибир қайнона, у ҳеч қачон яқин инсон бўлмайди, деган қараш юзга келиши. Бу эса ўз навбатида оиладаги ўзаро хурмат ва ишончга қуриладиган самимий муносабатларнинг мустаҳкамлашга эмас, балки парчаланиши, қалбларнинг огриғига сабаб бўлади. Зотан, жойи келганда халқимиз орасидаги “Дилзордан ҳамма безор” деган мақолнинг ҳам бир учи оилавий муносабатлардаги муросаю мадорга боғланишини айтиб ўтишимиз зарур.

**Х**улоса шуки, ҳикматлару мақолларда, иборату маталларда олам-олам ҳаётий сабоқлар, ибратлар, маъно-маъмуни мужассам доно халқнинг вақили сифатида қайнонани қайнатмаган “игнали келин”дан ўрнак олсак арзийди. Чунки унинг қайнонасида оналарга хос меҳр-муҳаббат, ўзида фарзандлик бурчи ва масъулияти бор. Аслида шундай воқеаларнинг гувоҳи бўлганда қайноналарнинг бежизга қайнамаслиги, келинларнинг айниши, совуқдан совуқ муносабатлар, ўртадаги муросаю мадора инларининг таранглашиши ҳақидаги мулоҳазалар қамрови кенгайиб кетаверади. Аммо энг мақбул ҳаётий ечим инсон ҳар доим бир-бирига кўзгу ва кези келганда эзгулик уруғини соч-гувчидир.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,  
журналист



# 10 СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

**Бутун коллежда шов-шув, Шаҳноза турмушга чиқибди!**

**– Бармоғига қарадингми, никоҳ узуги борми? – сўрайди синфдошлари.**

**– Бирор сабаб бўлмаса ўқишни тугатмай туриб, турмушга чиқмасди, – дейди гапталаб дугоналар бир-бирига маъноли боқиб.**

**– Балки... Йўғ-э, жа унчаликка бормагандир...**



## СЎНГГИ

## ҚЎНФИРОҚНИ

## КУТАЁТГАН ҚИЗЛАР

# НЕГА?!

Шаҳнозанинг турмушга чиққани ҳақидаги хабар бутун коллежга интернет оламига тарқалди. Бу хабардан фақатгина коллеж маъмурияти, синф раҳбаригина беҳабар. Чунки тўйда Шаҳнозанинг энг яқин дугонаси Моҳира қатнашди, холос. Тўй жуда шубҳали, ими-жимиди бўлиб ўтди. Шаҳноза Моҳирага бу ҳақда ҳеч ким билмаслигини тайинлаганди. Аммо тўй куни келин-куёв тушган суратни телефонида олган Моҳира ижтимоий тармоққа жойлаштирди-ю боши балога қолди. Ҳатто бир-бирдан уй вазифини сўрашга эринадиган қизларнинг телефон кўнғироқлари тинмай қолди.

Янги йилдаги таътидан сўнг ҳамма дарсларга эмас, Шаҳнозанинг қандай келин бўлганини кўришга ошиқиб, коллеж томон йўл олди. Синф хонаси ўқувчилар билан тўлган. Ниҳоят, аста-аста қадам босиб, озгина ҳадик, қўруқ билан Шаҳноза кириб келди. Бирдан синф хонасида бақир-чақир овозлар янгради.

– Вой писмиқ, ичидан пишган, индамай юрган эксансан-а, – дейди қизлар унинг биқинидан чимчилаб. “Тўйга ҳам айтмадинг”, деб аразлайди баъзи Шаҳнозага яқин юрадиган дугоналар.

– Куёв почча нима иш қиларди? – савол ташлайди қизиққон йигитлар.

Шаҳноза ялт этиб, Моҳирага қаради. У эса билмадим, хабарим йўқ, дегандек елка қисади. Айниқса, бир синфдош дугонасининг “ишқилиб ҳомиладорлик таътилига чиқиб кетмай-санми?”, деган саволи Шаҳнозага оғир ботди. У бошини қўллари билан тўсиб, йиглаб юборди. Синфдошларининг баъзилари ёш келинчака ачинса, бошқаси буни келинликнинг эркалигига йўйди. Ҳеч бир қиз, кафтларидан тутиб, уни опатмади. Шу тобда ўзини сабоқдошларидан жуда-жуда узоқда ҳис этди. “Ҳамма айб ўзимда. Ахир бу сирни улардан берикитдим. Дугоналаримни ўзимга яқин олмадим. Бирортасига дардимни айтмадим. Нега энди улардан хафа бўлишим керак”, Шаҳноза ўзини-ўзи койийди. Бу ўқувчи қизнинг келинлик даври қандай ўтганига барча синфдошлари гувоҳ бўлди. Турмушга чи-

қиши учун никоҳ ёши, яъни 18га тўлмагани учун таниш-билиш орқали шаръий никоҳ ўқитилди ва тўй куни белгиланди. Маҳалла мутахассиси Шаҳнозанинг хонадонига кириб, ота-онасидан тўйни кейинроққа қолдиришларини сўраб қилган илтимоси инobatга олинмади.

– Қиз меники, уни қачон турмушга узатишни ўзим ҳал қиламан! – дея иддао билдирди онаси.

Тажрибасиз ва ўқувсиз, Шаҳнозанинг келинлик онлари кўпга чўзилмади. Қайнонасининг таъбири билан айтганда “тошбақадек судралиб юрадиган келин”га қайсингиллар тоқат қилолмади. Уларнинг зуғумларини эса Шаҳноза кўтара олмай қорнида уч ойлик ҳомиласи билан ота уйига қайтиб кетди. Шундай қилиб, уларнинг беш ойлик оиласи шаръий ажралиш билан яқун топди.

Шаҳнозанинг исмини шартли равишда ўзгартириб қўйган бўлсак-да, бу қиз аслида сизу бизнинг ёнгинамизда яшаб юрибди. Тўғрисини айтадиган бўлсам, Шаҳноза Орифжоновна Фаргона вилоятида яшайди. “Тенги чиқса текин бер”, деган мақолга амал қилган ота-онаси маҳалла масъулларидан бекичча коллежнинг биринчи босқичнинг яримадаёқ турмушга узатиб юборишди. Шаръий никоҳ орқали турмушга чиққан қиз аслида оила деганлари шундай бўлар экан-да, деган бўлса, Шаҳноза Оиласи бузилиб, турмуши барбод бўлгач эса қонуний никоҳнинг афзалликларини тушуниб етди. Аслида ушбу мақолани ёзишга туртки бўлган мавзу ҳам эрта турмуш масаласи. Айни кунларда водийнинг Қўқон шаҳри атрофидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли ўртасида ўғил-қизларини никоҳ ёшига етмай туриб

унаштириб қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда. Фарзандларини ўқитиб, олий маълумотли қилаётган ота-оналар кўп, аммо уларга ҳам озчиликни ташкил қилса-да, фарзандини фақат турмушга беришга тайёрлаётган оилаларнинг зарари тегмоқда. Мактаб ўқитувчиларининг айтишларича, 11-синфда ўқиётган ўқувчи қизлар орасида 3-4талаб фотиҳа қилинганлари бор экан. Улар 25 май

сўнгги кўнғироқ чалинадиган кунни интизорлик билан кутиб ўтиришибди. Натижада бундай қизлар атрофидаги ўқиш ниятида бўлган қизларнинг ҳам фикрларини айнитмоқда. Яъни, қизларга бўлгуси куёв йигит томонидан телефон совға қилиниши, қанд тарқатиш каби маросимлар келгусида ўқиб, олий маълумотли бўлиш истагида юрган қизларга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Унаштирилган қизларнинг ота-оналари билан суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилганида: “Нима бўпти, қизим яхши, одоблидирки совчилар ҳавас қилиб келяпти”, “Бу-гун совчилар келиб турибди, эртага келмай қолса-чи” каби фикрларни айтишмоқда. Бунга қиз томонидан ҳам, бўлгуси куёв томонидан ҳам ҳеч қандай норозилик бўлмаётгани қизини таажублантиради. Хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” марказлари, маҳалла фаолларининг жон куйдириб тушунтиришларига қарамай айрим ота-оналар ўз билганларидан қолмаяпти. Бу ниманинг белгиси? Фарзанд тарбияси олдидаги масъулиятдан қочиб, уларни касб-хунарли қилиш вазифасидан халос бўлиш эмасми?

**Саудияда эрта никоҳ тақиқланди**

Saudi Gazette нашрининг хабар беришича, Саудия Арабис-

тони Адлия вазирлиги мамлакатда никоҳ ёшини 18 ёш этиб белгилади ва бундан кичик ёшдагилар ўртасидаги никоҳни тақиқлади.

Адлия вазири ва Олий суд кенгаши раиси Шайх Валид ал-Самаани барча судларга 18 ёшдан кичикларга никоҳ тақиқлангани ҳақида циркуляр юборган.

18 ёшдан кичик бўлганлар жуфти билан никоҳни расмийлаштириш учун махсус суднинг рухсатини олишлари керак. Суд эрта никоҳ ёшларнинг келгуси тақдирига салбий таъсир қилиш-қилмаслигини ўрганади.

Маълумот учун, 2019 йилда Ўзбекистонда ҳам никоҳ ёши қизлар учун 18 ёш этиб белгиланди. Натижада ўғил болалар ва қизлар учун никоҳ ёши тенглаштирилди.

**Қандай ҳолатларда никоҳ ёши қисқартирилади?**

– 2019 йилнинг сентябр ойида “Оила” кодексининг 15-моддасига ўзгартиришлар киритилди, – дейди Бектемир тумани ФХДЭ бўлими мудираси Сайёра Умарова. – Унга кўра, никоҳ ёши эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам 18 ёш этиб белгиланди.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайитириши мумкин.

Турмуш қуриш ниятида бизга мурожаат қилган ёшларнинг аризасини олгач, уларни тиббий кўриқдан ўтишлари учун тиббиёт бирлашмасига ҳамда

туман “Оила” марказига йўлланма берилади. У ерда бўлгуси келин-куёвлар инновацион мактабдаги дарсларга қатнашади. Ҳозирги кунда ота-оналарнинг аксарияти иш, тирикчилик билан банд. Ёшларнинг эса буви ҳамда боболарининг насиҳатларига қулоқ осишга тоқатлари йўқ. Инновацион мактабда отиноий, имомхатиб, психологлар томонидан дарслар ўтилади. Никоҳланувчи ёшлар оила қуришдан аввал ўзларига керакли маълумотларни ушбу мактабда мустақамлашмоқда. Ҳар ҳафтанинг пайшанба куни инновацион мактабда ўқув машғулоти бўлиб ўтади. Бу яхши натижа бермоқда. 2019 йили туманимизда эрта никоҳ қуриш ёши кузатилмади. Оила қуришга ахду паймон қилган икки ёш никоҳларини қонуний ҳамда шаръий никоҳнинг талаблари билан мустаҳкамласа бундай оила турмушининг ҳар қандай қийинчиликларини енгиб ўтиб, мустаҳкам пойдеворга эга бўлади.

Водийдаги аҳволни пойтахт билан таққослайдиган бўлсак, мактаб, маҳалла, ота-оналар ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлигига иқдор бўламиз.

Никоҳ – луғатда қўшиш, жамлаш, яқинлик деган маъноларни англатади. Аллоҳ никоҳни бизга фарз қилганига ўн тўрт асрдан ошди. Пайғамбаримиз САВ муборак ҳадисларида: “Никоҳ менинг суннатимдир, кимки ундан юз ўтгирса менинг умматим эмасдур”, дейди. Шундай экан, оилани мустаҳкамлашга хизмат қилувчи никоҳ масаласига ҳамиша жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

**Нигора РАҲМОНОВА,**  
журналист



# МИЛЛИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистонда биринчи телемарказ, яъни Тошкент телемаркази 1957 йил ноябр ойининг бошларида ишга туширилган.



**Т**елевидение соҳасига, айниқса, ёшларда қизиқиш тез ривожлана бошлади. Тошкент электротехника институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети)да радиофакултет ҳам очилди ва мен ушбу факултет талабаси бўлдим. Уша пайтларда телевидение соҳаси бўйича маълумотлар, айниқса, дарсликлар жуда кам эди, борларидан ҳам фойдаланиш учун биз талабалар кутубхонада навбатда турардик. Мутахассислар етарли бўлмагани боис телевидение, антенна-фидер қурилмалари, радореле алоқаси ва яна бир неча фанларни Москва, Ленинград, Одесса, Новосибирск алоқа институтлари ўқитувчилари келиб ўқитишган.

Аввал телекўрсатувлар фақат бир дастур бўйича олиб борилди ва тез орада учтага етди. Энди мутахассислар кўрсатувлар сифатига ва дастурлар сонини кўпайтиришга аҳамият бера бошладилар. 1960 йиллар бошидаёқ телекўрсатувларни табиий рангларда кўриш эҳтиёжи туғилди. Тез орада бу борада ҳукумат қарорлари чиқиб, Алоқа вазирлиги режалар туза бошлади. Бу пайтга келиб, кўрсатувлар сон тўрттага етган эди,

аммо 180-метрлик антенна таянчи, кам қувватли ускуналар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти узоқ тоғли туманларини деярлик қопламасди. 1971 йил сентябр ойида Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги тасарруфида Тошкент радио-телевизион узатиш маркази қурилиш дирекцияси таъсис этилди. Шу вақтларда Москвадаги алоқа объектлари лойиҳалаш институтига араб давлатларидан бири баланд минорали телемарказ лойиҳасига буюртма берган, лекин давлатда сиёсий тўнтаришлар юз бериб, телеминоранинг ташқи кўриниши тайёр бўлганда, буюртмани бекор қилишган. Телеминора иқлими иссиқ мамлакатга мосланган. Институт раҳбари уни Ўзбекистонга таклиф қилган. Миноранинг кўриниши алоқа вазирига маъқул келган ва юртимизнинг ўша пайтдаги раҳбари Шароф Рашидов ҳам маъқуллаб, минора қурилишини тасдиқлаган.

Телеминора лойиҳаси бир неча йилда тайёр бўлди, ўта синчковлик билан синовлардан ўтди. Унинг қурилиши учун Бўзсув каналининг ўнг қирғоғида 6,2 гектар ер ажратилди. Қурилишни бошлашдан аввал, қурилиш майдони бетартиб, бережа қурилган уйлар ва бир неча майда ғишт заводлардан бўшатилиши ва яшаб турган аҳоли уй-жой билан таъминлиши зарур эди. Бу ишлар 1978-79 йилларда Тошкент шаҳар ижроия кўмитаси ва Алоқа вазирлиги ёрдамида бажарилди. 1979 йил иккинчи ярмидан бевосита қурилиш ишларига киришилди.

Бу ишга масъул бўлган қурилиш соҳаси раҳбарлари энг нуфузли қурилиш ташкilotлари билан шартнома тузди – Россиянинг Челябинск заводи телеминора қурилишига 6000 тонна пўлат ускуналардан ёрдам берди. Швейцариянинг “Шиндлер” компанияси баландга тез кўтариладиган лифтар билан таъминлади. Аммо қурилишга ноқулай бўлган Бўзсув ёқасида иш олиб борилиши кўп талаблар қўйди: аввало Бўзсув қирғоқларини маҳкамлаб, 11 метрлик чу-

кур фундамент қурилиши зарур эди. Бу ишларни амалга ошириш учун энг тажрибали мутахассислар жалб этилди. Телеминора энг ноёб қурилмалардан эди, чунки шу вақтгача республикада 358 метрли пўлат қурилма бўлмаган, бундай баландликка кўтариб берадиган мосламалар ҳам бўлмаган ва баландликда пайванд ишларини олиб борадиган мутахассислар ҳам йўқ эди. Ундан ташқари республика раҳбарлари Тошкент бинолари тобора баландлашаётганини эътиборга олиб, телеминора баландлигини 375 метрга кўтариш тўғрисида кўрсатма беришди.

Ниҳоят, телеминора пўлат конструкциялари қурилди ва 1983 йил 23 феврал арафасида минора тепасига Ўзбекистон байроғи тикилди. Энди минора куйида ва таянчлари остида -5/+5 метрли учбурчак (совутгичлар, ресторан ошхонаси, маъмурият хоналари, телеузаткичлар зали, лабораториялар жойлашиши керак бўлган икки қаватли бино); 100-120 метр баландликда томоша майдончаси, “Коинот” ресторанининг “Мовий” ва “Кизил” заллари бинолари, 200-220 метрда техника бинолари қурилиши ва антенна қурилмалари монтаж бошланди. Бу ишлар жуда мураккаб эди. Тасаввур қилинг: баландлашиб бораётган пўлат қурилма, унга чиқадиغان на зинапоя, на мувозанат сақлайдиган таянч йўқлиги ва ўша йиллардаги қаҳратон қиш ва совуқ шамол эсиб туриши – ана шундай шароитларда минора қурувчилари мисли қўрилмаган қийинчиликларни енгиб ўтдилар.

Алоқа вазирлиги телеминорани 1985 йил 15 январ куни расмий ишга туширишга қарор қилди ва бу кун республика алоқачилари, тошкентликлар учун ҳақиқий байрамга айланди. Телеминора ишга тушгандан кейин бирон марта техникавий хатолик юз бермади. Бошқа телемарказлар орасида иш натижалари энг юқори, обрўси баланд эди. Хориждан, қардош республикалардан, юртимиз шаҳарларидан, айниқса, Тошкент шаҳри ва вилоятидан кўплаб меҳмонлар келиб тургани учун хизмат доираси ҳам кенг бўлди. Зарур бўлганда республика телемарказларига техникавий

ёрдам ҳам кўрсатиб турди.

1988 йилда Бутун дунё улакан миноралари Федерацияси таъсис этилди ва унга 21 миноралар аъзо қилинди. Биз ҳам керакли хужжатларни тўпладик ва телеминорамиз ҳақида видеофилм яратдик. Алоқа вазирлиги биринчи ўринбосари Тоҳир Раҳимов Останкино минораси бошлиғи В.Мисюлин ва мен Париж минорасига бордик. У ерда далилларимизни, яъни хужжатларимизни кўриб, “Марказий Осиёда шундай ажойиб – ҳам миллий, ҳам замонавий архитектура асари яратилгани ҳақида шундай ажойиб – ҳам миллий, ҳам замонавий архитектура асари яратилгани ҳақида батафсил маълумотлар намойиш қилинган. Ҳозир ушбу федерация аъзолари 30га яқин. Миноралар раҳбарлари йилда бир марта тайин қилинган минорада йиғилиб, юз берган ўзгариш ва янгиликларни муҳокама қиладилар. Демак, биз дунё бўйича техник ва жорий этилган янгиликлардан хабардор бўламиз. Аъзолик йиллардан маълум бўлдики, бизнинг минорамиз ҳеч кимникидан кам эмас ва ҳатто устунлиги ҳам бор. Масалан, Окленд (Янги Зеландия) минораси яшин уриши сабабли катта талафот кўрди, улар БУМФга мурожаат қилиб, қайси минорада яшин қайтарувчи тизими ишончли ва арзон бўлса, бизга тавсия берсин, деб илтимос қилди. Биз ҳам бошқалар қатори тушунтириш бордик, улар бизнинг тизимни жорий этиб, ташаккур билдирди.

Истагим — телеминорамиз Ватанимиз обидалари ва Эйфел минорасидек асрлар оша доврўқ қозонсин.

**Умида ҚОДИРОВА,**  
меҳнат фахрийси,  
1980–1999 йилларда  
телеминора қурилишида  
ишлаган биринчи раҳбар

**ТОШКЕНТ МИНОРАСИ 1991 ЙИЛ ОКТАБР ОЙИДА РОТТЕРДАМ (ГОЛЛАНДИЯ) МИНОРАСИ МАЖЛИСИДА БУМФГА АЪЗО ЭТИБ САЙЛАНДИ — ШУ КУНДАН БОШЛАБ БАРЧА АЪЗО БЎЛГАН МИНОРАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ, МИНОРАМИЗ КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ КЎРИНИШЛАРИ, МАКЕТИ ВА ВАТАНИМИЗ ҲАҚИДА БАТАФСЛ МАЪЛУМОТЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНГАН.**



## 12 АЛОҚА ОЛАМИДА



## СОФТ


MICROSOFT 15 ЯНВАРДАН  
WINDOWS 7НИ ҚЎЛЛАШНИ ТЎХТАТАДИ

Microsoft компанияси Windows 7 операцион тизimini қўллашни тўхтатади. Бу ҳақда компания расмий сайтида маълум қилинди.


"Windows 7 чиққанига 10 йил бўлди, уни қўллаш (янгилаш) 2020 йилнинг 15 январидан тўхтатилади", — дейилади Microsoft хабарида.

Қўллаш тўхтатилган операцион тизимга вируслар ёки бошқа хавфли дастурий таъминотлар ҳужуми хавфи ошади.

"Ҳимояланишнинг энг яхши йўли — Windows 10гача янгиланишдир, шунинг баробарида компютерингизнинг ўзини ҳам янгिलाб олганингиз маъқул. Тўғри, Windows 10ни эски компютерга ўрнатса ҳам бўлади, бироқ биз бундай қилишни тавсия қилмаган бўлардик", — дейилади расмий сайтдаги хабарда.



## ТЕХНОЛОГИЯЛАР

КЎЗИ ОЖИЗЛАР УЧУН  
ИЛК СМАРТФОН СОТУВГА  
ЧИҚАРИЛДИ

Кўриш қобилияти кучсизланган ёки бутунлай йўқолган инсонлар учун илк мартаба Ҳиндистонда смартфон ишлаб чиқарилди. Бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Facebookда хабар берди.

Телефон корпусида Брайл шрифти қўлланган. Смартфонда ишлатилган Shape Memory Alloy технологияси шаклни хотирлаш эффекти (айрим материалларнинг дастлабки ўзгаришдан кейин қиздирилса яна аввалги ҳолатига қайтиш хусусияти)га қўрилган.

Смартфон экрани, агар уни шундай аташ мумкин бўлса, талаб бўйича тепадан пастга қараб жойланган контактлар тармоғидан иборат турли контактлар муайян ҳарфлар ёки символларни англатади.

Экран ўзига хос таржимон вазифасини бажаради, оддий, ҳаммага маълум ҳарфлардаги матнни Брайлга ёки тескарасига ўгириб беради.

## НОУТБУКЛАР

LENOVO ЭКРАНИ БУКИЛУВЧИ ИЛК  
НОУТБУГИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ — CES-2020

Хитойнинг Lenovo компанияси Лас-Вегасда бўлиб ўтаётган Consumer Electronics Show (CES) 2020 кўргазмасида экрани букилувчи ThinkPad X1 Fold ноутбугини тақдим этди.



Бу Windows оператив тизимида ишловчи илк букилма экрани қўрилмадир. Ундан планшет компютер сифатида фойдаланиш ёки магнитли клавиатурага улаб тўлақонли ноутбук сифатида ишлатиш мумкин.

ThinkPad X1 Fold 2020 йилнинг ўрталарида сотувга чиқарилади. 13,3 дюймли экрани букилувчи Lenovoнинг нархи \$2500 атрофида. Ноутбук бешинчи авлод алоқа стандарти — 5Gни ҳам қўллади. Lenovo қўшимча қилишича, букилувчи экрани қўрилмалар учун Microsoft компанияси Windows 10 оператив тизимининг махсус талқинини ишлаб чиқади.

## 5G

ЭНГ АРЗОН 5G-СМАРТФОНЛАР ИККИ  
СОАТГА ҚОЛМАЙ СОТИЛИБ КЕТДИ

7 январ куни Хитойда энг арзон 5G-смартфон — Redmi K30 5G биринчи марта сотувга чиқарилди.

Курилма ўтган йили икки талқинда (5G ва 4G) тақдим этилганди.

Оддий Redmi K30

Хитойда 2019 йил декабрида сотувга чиққанди, 7 январда эса 5G-смартфон ҳам дўконларга чиқди — фақат энг қиммат жамланмалиси, ана шу 375 долларлик смартфонлар икки соатга қолмай қўлма-қўл бўлиб кетди.

Кейинги партия 10 январ куни яна худди шу нархда сотилиши кутиляпти.

Компания раҳбари Лей Цзун Redmi K30 5Gлар ҳаммага етади деб ваъда берганди, афтидан, смартфонлар бунчалик тала-тала бўлиб кетишини ўзлари ҳам кутишмаган.

Дарвоқе, сал сабрлилар 14 январгача кутишса Redmi K30 5Gнинг арзонроқ хиллари \$285 ва \$330дан сотувга чиқарилиши кутилмоқда.



## ЙЎЛДОШЛИ АЛОҚА

FALCON 9 РАКЕТАСИ ЯНА 60ТА СУНЬИЙ  
ЙЎЛДОШНИ ЕР ОРБИТАСИГА ОЛИБ УЧДИ

Falcon 9 ракетаи глобал интернет тармоғини тарқатиш учун мўлжалланган Starlink тизимининг 60та кичик ўлчамли сунъий йўлдоши билан бирга орбитага учирилди. Бу ҳақда SpaceX компанияси маълум қилди.

Икки поғонали ракета АҚШнинг шарқий вақти билан 6 январ соат 21:19да Канаверал бурнидаги (Флорида) космодромдан учирилган.

Starlink сунъий йўлдошлари 290 км баландликка олиб чиқилди. SpaceX муҳандислари сунъий йўлдошларнинг ишчи ҳолатини текширгач, улар ўз ион двигателлари ёрдамида юқориорқ орбитага кўтарилади.

Бу Starlink лойиҳаси доирасида сунъий йўлдошлар гуруҳининг орбитага учинчи чиқарилишидир. Илк 60та сунъий йўлдош 2019 йил май ойида, иккинчи гуруҳ эса ноябрда орбитага чиқарилган.

АҚШ компанияси сайёрамизнинг исталган бурчагидан кенг полосали интернетга улашини таъминлаш учун умумий ҳисобда бундай сунъий йўлдошлардан орбитада 12 мингта сунъий йўлдош қолган сунъий йўлдошларни 2020 йилдан кейин фазога чиқариш режалаштирилган. Лойиҳани амалга ошириш учун инвестициялар қиймати 10 млрд. долларга баҳоланган.



## СМАРТФОНЛАР

SAMSUNG КОМПАНИЯСИ GALAXY S10 LITE ҲАМДА  
GALAXY NOTE 10 LITENI ТАҚДИМ ЭТДИ

Samsung компанияси Galaxy S10 Lite ҳамда Galaxy Note 10 Lite субфлагманларини тақдим этди. Смартфонлар январ ойи ўрталарида сотувга чиқарилиши кутиляпти.

Samsung Galaxy S10 Lite

Смартфонга ўрнатилган AMOLED-экран диагонали 6,7 дюймга тенг бўлиб, Full HD+ тасвирларга мўлжалланган.

Асосий ушталик камерага эга: 48+12+5 Мпикс. Фронтал камераси битта: 32 Мпикс. Процессор — Qualcomm Snapdragon 855. Оператив хотира — 6 ёки 8 Гбайт, асосий хотира — 128 Гбайт. Аккумулятор сизими — 4500 мАс. Оператив тизим — One UIга мослаштирилган Android 10.


Смартфон уч хил: қора, кўк ва оқ рангда чиқарилади.

Samsung Galaxy Note 10 Lite

Экран — AMOLED (Full HD+), 6,7 дюйм.

Асосий ушталик камера: 12+12+12 Мпикс. Фронтал камераси битта: 32 Мпикс. Процессор — Exynos 9810. Оператив хотира — 6 ёки 8 Гбайт, асосий хотира — 128 Гбайт. Аккумулятор сизими — 4500 мАс. Оператив тизим — One UIга мослаштирилган Android 10.

Galaxy Note 10 Litening ўзига хос жиҳати — S Pen стилуси.



## ХОТИРА ҚУРИЛМАЛАРИ

SANDISK БРЕНДИ ОСТИДА 8  
ТЕРАБАЙТЛИК ПОРТАТИВ SSD  
ХОТИРА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Western Digital компанияси Лас-Вегасдаги CES 2020 электроника кўргазмасида SanDisk бренди остида 8 терабайтлик SSD-хотира қўрилмасини тақдим этди.

Бу турдош қўрилмалар учун рекорд кўрсаткич: янги хотира қўрилмасида 4К ўлчамли 1300 соатгача бўлган видеони сақлаш мумкин.


Компютер билан маълумот алмашишда 20 Гбит/с.гача тезликка эга SuperSpeed USB дан фойдаланилади.

"Рекордчи" SSDда маълумотлар узатиш ва электр қуввати битта портдан олинади. Тақдим этилган SSD ҳозирча прототип, шунинг учун ҳам қачон сотувга чиқади, нархи қанча — маълум қилинмаган.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.





# ОЛОВГА МОЙ СЕПИЛДИ...МИ?

## Америка ва Эрон уруш ёқасига келиб қолди

Эроннинг энг қудратли ҳарбий қўмондони генерал Қосим Сулаймоний 2 январдан 3 январга ўтар кечаси Ироқда АҚШ дрони билан ҳужумда ўлдирилди. У шахсан Доналд Трампнинг топшириги билан амалга оширилган операция натижасида ҳалок бўлди. Пентагон бу ҳаракат Қосим Сулаймоний АҚШ дипломатлари учун хавф тугдирган операцияларда қатнашгани ва АҚШнинг Бағдоддаги элчихонасига амалга оширилган ҳужумда қўли борлиги сабаб амалга оширилганини маълум қилди. Генералнинг ўлдрилиши икки давлат ўртасидаги тарангликни янада жиддийлаштиради.

Бу икки давлат қандай қилиб бу нуқтага келиб қолди? Айтиш жоизки, икки давлатнинг 1950 йилдан бери мураккаб тарихи бор.

**1953 йил. Фитна.** Эрон Бош вазири Муҳаммад Мусаддиқ нефтни миллийлаштиришни истайди. Нефтни катта қисми Британия назорати остида бўлиб, аксар эронликларга нефдан фойда йўқ эди. АҚШ ва Британия махсус кучлари фитна уюштирди. Натижада Бош вазир ҳукуматдан кетказилди. АҚШ дастаги билан Шоҳ Муҳаммад Ризо тахтага ўтирди.

У мухолифларнинг овозини Савак – махсус полиция кучи билан ўчирди. Диндор Оятуллоҳ Хумайний Шоҳнинг рақобатчисига айланди. Бироқ у Шоҳни қатл қилгач мамлакатдан қувилди.

**1979 йил. Эрон инқилоби.** Халқ ғазабга миниб,



Шоҳ Муҳаммад Ризонинг истеъфосини талаб қилди. Хумайний 1979 йили Париждан Эронга қайтгач энди қочиш навбати Шоҳга келганди. Бу АҚШ ҳафсаласини пир қилди. Шундан бошлаб Эрон Исломиёв давлатга айланди.

Рухоний Эроннинг олий раҳбарига айланди. Янги Эронда аксиламерика кайфият кучайди. Тахтан ағдарилган Шоҳ эса даволаниш учун АҚШга кетди. Бу кўплаб эронликларнинг ғазабини кўзгади.

**1979-81 йиллар. Гаров инқирози.** Хумайний тарафдорлари бўлган талабалар АҚШ элчихонасига ҳужум қилди. 52 америкалик 444 кун гаровда ушлаб турилди. Ушанда АҚШ илк бор Эронга санкция қўллаганди.

**1980 йил. Эрон-Ироқ уруши.** Ироқ Эронга бостириб кирди ва шафқатсиз урушга сабаб бўлди. Ироқ АҚШ кумагида сезиларли натижаларга эришди. Жанг-

ларда қарийб 1 миллион одам ўлгани айтилади. Хумайний саккиз йиллик урушдан сўнг оташкесимга рози бўлди.

**1988 йил. Йўловчи самолёти уриб туширилди.** Америка-Эрон муносабатлари таранглашишда давом этди. Техрон АҚШ ва Исроилни ўзининг муҳим душмани, деб эълон қилди. 1988 йили АҚШ ҳарбий учоғи Эрон йўловчи самолётини уриб туширди. Америка хато деб атаган бу иши учун ҳатто узр сўрамади.

**2002 йил. "Ёвузлик манбаи".** Президент Жорж Буш Эрон, Ироқ ва Шимолий Корея давлатларига "ёвузлик манбаи" дея таъна босди. АҚШнинг эътибори Эроннинг атом дастурига қаратилди. Халқро ҳамжамият қаттиқ жазо чораларини эълон қилди. Нефть экспорти ва иқтисодийда Эрон йирик йўқотишларга учради.

**2015 йил. Атом келишуви.** Эрон атомни тинч мақсадларда қайта ишлаётганини таъкидларди. Бироқ 2015 йили иқтисодий санкцияларни бекор қилиш учун урanni қайта ишлашни қисқартиришга рози бўлди. Аммо 2018 йилда АҚШ келишувдан чиқди ва санкцияларни қайтарди. 2019 йилда АҚШ Эроннинг Инқилоб соқчиларини террорчилик ташкилоти, дея эълон қилди. 2019 йилда Эрон Олий раҳбари Али Хумайний ва АҚШ Президенти Доналд Трамп ўртасида таранглик кучайди.

**Нихоят.** Ироқдаги ҳарбий амалиётларда қўмондон Сулаймонийнинг ўлдрилиши бутунлай бошқа ўйинга ва янаям кўрқинчли инқирознинг бошланишига сабаб бўлгани айтилмоқда.

## Қиролича нега хафа бўлди?

Буюк Британия қироличаси Елизавета Иккинчи невараси шахзода Гарри ва унинг турмуш ўртоғи Меган Марклнинг молиявий имтиёзлардан бош тортиб, мустақил ҳаёт кечирish ҳақидаги режаларидан ранжиди, деб ёзади Sun газетаси.

Шахзода Гарри ва турмуш ўртоғи, америкалик собиқ актриса Меган Маркл қиролича оила аъзолари мажбуриятларини бажарган ҳолда уларга белгиланган молиявий имтиёзлардан бош тортиб, мустақил пул ишлаб топишни хошлаётганини эълон қилишганди. Букингем саройи бу қадам муаммоларни келтириб чиқариши, уларни ҳал этиш учун вақт талаб этилишини маълум қилди. "Улар ҳеч ким билан келишмасдан шундай қарорга келишган. Бу протоколни бузади. Бу – оилага уруш эълон қилиш... Қиролича чуқур қайғуда. Уэлс шахзодаси (Чарлз) ва Кембриж герцоги (Уилям) қаттиқ ғазабда", – дейилади манбада.

Юқори даражали оила аъзоларига қиролича, унинг фарзандлари, катта ўғиллари шахзодалар Уилям ва Гарридан бўлган неваралари ва уларнинг аёллари киради. Шахзода Гарри ва Меганнинг бу даврани тарк этиш қарори монархия юзини жиддий ўзгартириб юборади.

Шахзода Гарри аввал ҳам, айниқса, папачи таъқиб натижасида онаси, малика Диананинг ҳалокатидан сўнг бундай мартаба унга оғирлик қилаётганини яшириб ўтирмаган.



## Финляндия бош вазири: "Одамлар ўз оилалари билан кўпроқ вақт ўтказишга лойиқ"

Финляндиянинг янги сайланган бош вазири 34 ёшли Санна Марин мамлакатда 4 кунлик иш ҳафтаси ва 6 соатлик иш кунини жорий қилишни таклиф қилмоқда.

Ҳозирча бу ҳукуматнинг расмий сиёсати эмас, фақат бош вазирнинг шахсий таклифидир. Унинг сўзларига кўра, ойликлар пасайтирилмайди, аммо одамлар оила аъзолари ва дўстлари билан кўпроқ вақтларини бирга ўтказишади. Кўпинча улар ўзлари ёқтирган ишлари билан шуғулланишади. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини оширади. Шунда иш берувчилар ҳам зарар кўрмайдилар. "Одамлар ўз оилалари билан кўпроқ вақт ўтказишга лойиқ", – дейди Санна Марин.

Ҳозирда Финляндияда ҳафтасига минимал ва максимал иш вақти 32 ва 40 соатни ташкил этади.



## 1,8 миллион долларлик балиқ

Токиода ҳар йилги анъанавий мовий тунец сотиш бўйича аукцион ўтказилди. Бу йил 278 кг.ли бир дона балиқ 1,8 миллион долларга сотилди.

Бу балиққа Япониядаги Sushі Zanmai суши ресторанлар тармоғининг эгаси Kiyomiga компанияси эга бўлди. Компания қаторасига иккинчи бор бундай аукционда ғолиб бўлмоқда. "Бу нарх бир дона балиқ учун ўта қимматлик қилади, бироқ ресторанимиз ўз мижозларини мазали тунец билан меҳмон қилишни хоҳлайди", – деб айтган Sushі Zanmai эгаси Киеси Кимури NHK телеканалига берган интервьюсида.



Kiyomiga ўтган йили рекорд нархда тунецни сотиб олган эди. Ушанда компания бир дона балиққа 3 миллион доллар тўлаган.

Мовий тунец – дунёдаги энг катта балиқлардан бири. Вояга етган балиқнинг узунлиги 3 метрга, оғирлиги эса 680 кг.гача етиши мумкин. Мовий тунец суши тайёрлашда асосий ингредиентлардан бири бўлишига қарамай, бу тур йўқолиб кетиш арафасида. Тунецлар энг кўп Япония соҳилларида овланади.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



## 14 МУТОЛАА



Разипурам  
К.НАРАЙАН  
(1906–2001)

Жанубий Ҳиндистоннинг Малгуди шаҳри ҳақидаги асарлари билан яхши танилган **Разипурам Кришнасвам Нарайан** XX асрда Ҳиндистондаги инглиз тилида ижод қилган энг йирик ёзувчилардан бирidir.

У тамил миллатига мансуб (фамилиясиз тамилча исми: Нарайан – исми, Кришнасвам – отасининг исми, Разипурам – туғилган қишлоғи) бўлиб, ўқимишли оилادا туғилган, отаси мактаб директори эди. Ота-онаси, айниқса, бувиси унинг таълим-тарбияси билан жиҳдий шуғулланарди. Болалигиданоқ, барча оила аъзолари сингари, у инглиз тилида сўзлашарди. Энг яхши мактабларда ўқиди. Урта таълимни олгандан сўнг, 1926 йилли коллега ўқишга кирди ва 1930 йили бакалавр даражасини олди.

1935 йили унинг беш йил мобайнида ёзган ilk “Свами ва унинг дўстлари” романи нашр этилади. Бу роман Мангуди номи фантастик шаҳарчада яшовчи хинд ўқувчилари ҳақида эди.

Адиб бутун умри давомида 34 роман, бир неча илмий асарлар ёзган, “Рамаяна” ва “Маҳобҳорат”нинг насрий баёнларини тузган. Асарлари содда тилда ва катта юмор билан битилган бўлиб, асосий мавзуси хинд жамиятининг турли ижтимоий муаммолари, жумладан, кастадаги фарқлар, астрологик хурфотлар ва бошқа шу каби турли ҳаётий танқидлардир. Ёзувчининг ижоди ўз юртида кўплаб турли мукофотлар, хусусан, Ҳиндистоннинг иккинчи энг йирик фуқаролик мукофоти Падма Вибхушан томонидан эътироф этилган. Унинг китоблари ўнлаб тилларга таржималар қилинган.

Кизча ширин уйкуда, туш кўриб ётарди. Тушига кичкина фақат ўзигина сиға оладиган кўк паровоз кирди. Кизча паровозга чиқиб олди-да, бутун боғни айланди. Ясмин бутаси олдида келганда кизча тўхтади ва деразадан кўлини чиқариб, гуллардан узиб олди, сўнгра паровоз уни боғнинг этагига, кўчага яқин жойдаги девордан жингала бўлиб осилиб турган ўсимликнинг қизил гуллари тагидан олиб ўтди. Кейин ёлғиз ўзи ҳайвонот боғига борди, шунда ҳамма маймунлар у билан бирга паровозда сайр қилмоқчи бўлишди. Бироқ паровозга фақат кизчанинг ўзи ва унинг сийрак сочли кўғирчоғи сизгарди, холос. Паровознинг поли устида бўлса қоғоз халтачаларда ширинликлар сочилиб ётарди. Кизча шоколадни олиш учун хиёл энгашган эди. Шу пайт онасининг: “Кутти, Кутти, тура қол!”, деган овози эшитилди. Туш тамом бўлди. “Тура қол, соат саккиз бўлди”.

— Вой ойи-ей, нега уйғотдингиз! Паровоз шундай яхши эди! Уйғотмасангиз, мен ўша паровозда яна сайр қилиб олгандим. Кўғирчоқ ҳам уйига кетмоқчи эди.

— Ҳадемай келиб қолишадди, сен тайёр бўлиб туришинг керак, ҳали сени кийинтириш лозим. Агар рақсинг уларга ёқиб қолса, жуда кўп пул беришадди, сен у пулга кўп кўғирчоғу паровозлар олишинг мумкин.

— Ростданми ойи?  
— Рост қизалоғим, рост. Тура қол, улар сенга жуда кўп пул беришадди.

— Ҳа, сиз барибир пулни олиб кўясиз, мен эса ҳеч нарса сотиб ололмай қолавераман.

— Пулнинг ҳаммасини сенга беришга сўз бераман, лекин шарт билан: анов куни мактабда қандай кўшиқ айтиб, рақсга тушган бўлсанг, бугун ҳам шундай кўшиқ айтиб, рақсга тушасан.

Икки нафар кино ходими Кутти мактабда кўшиқ айтиб рақсга тушганини кўришган, ўшалар келмоқчи. Бу ҳол оила учун камдан-кам бўладиган бахтли омад эди. Куттининг отаси мактабда ўқитувчилик қилиб, ойига эллик рупий топар, бу пулдан Куттининг ўқш ҳақини тўлаши, сингисининг тўйи туфайли олган қарзининг маълум қисмини узиш ва бутун рўзгорни тебратиш керак. Икки йилдан бери бу оғир тош оилани эзиб келар, шунинг учун ҳам Куттининг дадаси ҳар доим хорғин юрарди. Мана ҳозир тасодифан қараздан қутилишининг йўли очилиб қолди: қарзга олинган пулни қайтариб бериб, ниҳоят Куттининг онаси ҳам одамларнинг кўзига қарай оладиган бўлади.

— Неча пул сўрамоқчисиз улардан? — сўради Куттининг онаси дадасидан.

Дадаси ҳам:  
— Ун минг рупий, ундан кам бўлмайди, — деди.

Соат тўққизда кинематографчилар келишди. Улардан бири кексароқ, бармоқларига гавхар кўзли узуклар тақиб олган, иккинчиси ёшроқ, ниҳоятда олифта, тивит костюм кийиб, гардишсиз кўзойнақ тақиб олган эди. Куттининг дадаси уларни ўтиришга таклиф қилди, шалоғи чиқиб кетган курсиларга ўтиришди. Бу ғариб хонада уларнинг савлати янада ошиб кўринарди: улар шу даражада баланд эдиларки, худди уй шифти псайиб нақ уларнинг бошига кўнгандай, ҳатто улар бироз энгашиб тургандай эдилар. Бирмунча вақт хол-аҳвол сўрашув билан ўтди, шундан кейин олифта кийингани:

— Вақтимиз зиқ. Балки кизчани чақирарсизлар? — деди.

Кутти меҳмонхонага кирди. Онаси уни бу тантанали маросимга атайин кўғирчоқдай ясантирган: сочлари қаттиқ ўрилган ва гуллар билан безатилган, эгнига катак шохи юбка, мош рангли кофта кийган, пешанасига тўқ қизил хол кўйилган эди. Дадаси гурур билан унга қараб кўрди.

Кекса кинематографчи кизчага шоколадли пакетча узатди. Кутти олишга иккиланиб, рухсат сўрагандек отасига қаради. Кекса кинематографчи ўрнидан турди, кизчанинг кўлига пакетчани тутқазиб:

— Сен кинони яхши кўрасанми, қизалоқ — деб сўради.

— Йўқ, — Кутти отасининг тиззасига сўйкалиб тутилмасдан жавоб берди.

— Нега энди?

— Чунки кинода қоронғи бўлади, —



(Ҳикоя)

# КИЧИК АКТРИСА

деб жавоб берди Кутти. Олифта йигит бу пайтда кизчанинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиб турарди. У хаёлга берилиб кетди:

— Мен кизчани калта кўйлақда ва сочларини ёйиб турган ҳолда кўришни истар эдим. Бу қадимий либосда у ўз ёшига нисбатан каттароққа ўхшаб кўриняпти. Сиз кизчани бошқатдан кийинтира оласизми?

— Ҳозирнинг ўзида-я? — сўради Куттининг дадаси ва шошиб қолди. — Бор Кутти, кўйлақ кийиб, сочларингни ёйиб чиқ, — деб уюрди.

— Елканда ёйилиб турсин, — деди олифта кийингани.

— Гулларни нима қиламан? — сўради кизча, — гул тақмасга бўлмайди.

— Ҳа майли, сочларинг шундайлигича қола қолсин, фақат кўйлақ кийиб ол.

— Мен шу юбкамин яхши кўраман, — деди Кутти.

— Яхши киймай кўяқол. Бу кейин ҳам бўлаверади, — деди олифта. — Сен бизга анови куни мактабда айтган кўшигингни айтиб, ўйнаб берасанми?

— Йўқ, — деди Кутти. — Мен ҳаммасини унутиб юборганман.

Кекса кинематографчи чўнтагини қовлаб яна шоколад олди.

— Қани, бўла қол, жажжи қиз, ўша кўшиқни айтиб берсанг, манави шоколадни ҳам оласан.

Кизча дадасига қаради.

— Қани бўла қол, — деди дадаси, бу унинг: “Ҳа, шоколадни олишинг мумкин”, дегани эди. Кўшни хонадан онасининг: “Айта қол Кутти, ўзинг эсли қизсан-ку”, деган овози эшитилди. Шундан сўнг Кутти баланд, кескин овоз билан Кришнанинг худога мурожаатини кўйлаб бошлади. Худди Кришна шу ерда, унинг олдида тургандай кизчанинг кўзларига рақс тушарди, кўллари уни ўз ёнига чорлар, оёқлари эса пол узра пилдираб кетмоқда эди. Кизчанинг аъзойи баданидаги ҳар бир мушак кўшиққа жўр бўларди. У тугма раққоса, тугма актриса эди. Овози билан, хатти-ҳаракати билан, юз ифодаси билан жонли манзаралар ярата оларди. Рақсни тамоюлган кизча нафасини ростлаб, ўз томошабинларига назар ташлади. Олифта кийинган кинематографчи кизчани бағрига босиб ўлар, ҳеч қўйиб юборгиси келмасди. У ҳамроҳига:

— Одамни ҳайратга солади бу қизалоқ! Филм учун айнан шу кизча керак! Агар сиз шу кизни олмасангиз, мен бундан кейин ишлашдан мутлақо бош тортаман, вассалом... Тушундингизми?

Ҳамроҳи тасдиқ аломатини билдирди.

Разипурам К.НАРАЙАН

— Соат тўртда биз яна келамиз-да, кизчани студияга синов учун олиб кетамиз! — дейишди.

Ҳайрлашаётганда кекса кинематографчи Куттининг дадасига деди:

— Қизингиз бизга жуда ёқиб қолди. Бундай истеъдод билан шуҳрат қозонади, деб уйлайман. Агар кечқурун вақтингиз бўлса сиз билан баъзи масалаларни муҳокама қилмоқчи эдим.

— Унга паровоз билан кўғирчоқ — тепакал кўғирчоқ олиб беришни унутманг. Қизимиз кечаю кундуз шуларни орзу қилиб юради. Менимча, нархи олти рупийдан хиёл ортиқ бўлса керак.

Соат учда Кутти тайёр бўлди, онаси унинг сочларини ёйиб, калта кўйлақ кийдириб қўйди. Куттининг роса аччиғи чиқди. “Мен бу кўйлакни ёмон кўраман, нимага сиз менга бу ёмон кўйлакни кийгазиб қўйдингиз-а?” У алам билан сочларини тортиқлади. “Булари лента билан боғлаб қўйинг. Мен боғланган сочни яхши кўраман. Менга боғланган соч ёқадди”. Онаси уни бир амаллаб тинчитди ва ўйнаб келиш учун ҳовлига чиқариб юборди.

— Эҳтиёт бўл, кир қилма уст-бошингни! — тайинлади онаси.

Соат тўртда, кинематографчилар келишганда Куттининг дадаси кизини қидириб ҳовлига чиқиб кетди.

Кизча ҳеч қаерда кўринмади: У хотинидан:

— Кутти қани? — деб сўради.

— Ҳовлида юрган эди. Эҳтимол қўшини-

кига киргандир. Мен ҳозир қараб келаман. Бир неча дақиқадан кейин аёл қайтиб келди.

— Кизик қўшни уйда ҳам, ундан кейингисида ҳам йўқ, қаёққа кетди экан?

Олифта кийингани қизни чорак соат кутиб турди. Кейин:

— Биз студияда бўламиз. Тонган заҳоти кизчани ўзинглар олиб боринглар, келишдикми? — деди...

Қидирув бошланди. Онаси кўчанинг У бошидан бу бошига зир югуриб кетди. Дадаси мактабдан сурширтди. Бутун уйни титиб чиқишди. “Кутти! Кутти!” деб қақришди, кимдан иложи бўлса шундан сўраб чиқишди. Онаси ерга узала тушиб олиб додлайверди, дадаси бўлса нима воқеа юз берганига ақли етмай оstonада қаққайганича туриб қолди.

Хотинининг қайғуси унга ҳам таъсир қилди. Болани бироз ўғирлаб кетмаганмикан, деган хаёлга ҳам борди. Бунақа ишлар ҳам бўлиб туради. Куттининг дадаси хотинига, мен ҳозир қайтиб келаман, деди-да, полиция участкасидаги танিশлари билан маслаҳатлашишга кетди. Йиғлаб, ҳолдан тойган она ўрнидан турди. У яна ҳамма хоналарни қараб чиқди, бурчакларни текшириб кўрди. Кираверишдаги хонадаги кир сақланадиган сават сал қимирлаб кетгандай бўлди. Она қопқонни кўтарди. Саватнинг тағида кулча бўлиб, ёйилиб кетган сочлари юзини беркитган Кутти ётарди.

— Кутти! — чинқариб юборди жон ҳолатда онаси ва саватни силталай бошлади. Кизча қимир этмади. Онаси амаллаб саватчадан чиқариб олди, бағрига босганча уйдан чиқди.

— Войдод болам ўлди! Ердан беринглар! — зорланиб нола қиларди у.

Бир аравақашининг онага раҳми келиб, араवासига чиқазиб олди-да, касалхонага юрди. Дўхтир кизчанинг томирини ушлаб, юрагига қулоқ солиб кўрди:

— Ҳушидан кетган. Ташвишланманг, ўзига келиб қолади.

Куттини столга ётқизиб қўйди. Анчадан кейин кизча кўзини очди, бошини кўтарди, онасини бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

— Ойи, агар улар бизникига яна келишадиган бўлишса, мен саватга беркини оламан-да, ҳеч қачон қайтиб чиқмайман!

— Кўрқма, жон қизим, энди безовта қилишмайди. Мен бунинг чорасини кўриб қўйман! Пуллари керак эмас... кунимизни кўрармиз бир амаллаб!

Сиддиқа АбЗАМОВА таржимаси





## USELL ВОЛЕЙБОЛ БЎЙИЧА ТУРНИР ЎТКАЗДИ

Ucell kompaniyasi xodimlarining sportga qiziqishlari va faolliklarini doim kўllab kelgan. Trenejor zali qurildi, soʻgʻlomlashtirish saʼxatlarini tashkil etildi, stol tennisi bʻyicha musobaqa... Yaqinda esa volejbol bʻyicha turnir yakunlandi.

Volejbol — rujni kўtaruvchi, xayjonga boy, xayqiqiy tomosha. Mana nima uchun ham Ucell uʻz xodimlari uʻrtasida musobaqa uʻtkazishi uchun bu sport turini tanladi.

Bellashuvlar Lomonosov nomidagi Moskva davlat universitetining Toshkent filiali sport zalida bʻyul uʻtdi. Unda kompaniyaning oltita departamentidan terma jamoalar kuch sinashdi:

- Texnologiyalar
- Mijozlarga masofaviy xizmat kўrsatish
- Savdo va biznes segmentga xizmat kўrsatish
- Xodimlarni boʻshqarish

• Харидлар  
• Молия  
**Бахтинур Турсунов,**  
**жараёнлар ва сифат менежменти тизими бошқармаси эксперти, ходимларни бошқариш департаменти:**

— Қизиги, компанияда volejbol musobaqasi oxirgi марта tўkqiz yil ilgari uʻtkazilgan экан. Анъаналарни tiklash yaxshi, албатта. Жамоавий uʻyinлар ходимларни бирлаштиради, корпоратив рухиятни kўтариб, завқ бағишлайди. Барча ташкилотчиларга рахмат.

Финал якунига kўра, Texnologiyalar департаменти биринчи uʻринни эгаллади. Ходимларни бошқариш департаменти — иккинчи, молиячилар эса учинчи bʻylishди.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорлар тантанали равишда тақдирланиб, faxрий диплом ва мукофотлар топширилди.

## ➤ ФУТБОЛ

### Ўзбекистон ОТЖ гуруҳдаги илк ўйинда Эрон билан дуранг ўйнади

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Осиё чемпионатидаги иштирокини Эронга қарши кечган қийин баҳс билан бошлади. Учрашув 1:1 ҳисобида якунига етди.

Ўйиннинг илк дақиқалариданоқ Эрон ташаббусни uʻz қўлига олишга ҳаракат қилди. Любинко Друлович шоғирдлари эса асосан индивидуал маҳоратга асосланиб уйнашга интилди. Учрашув охирига қадар вазият деярли ўзгармади.

Омад эса Ўзбекистон олимпия терма жамоаси тарафиди бўлди. Эронлик футболчилар баъзи вазиятларда ҳатто бʻyш қолган дарвозага tўғри зарба йўллай олмадилар. Гол эса Эрон дарвозасига 39-дақиқада пеналтидан киритилди. Ислом Қобиллов аниқ зарба йўллаб, ҳисобни очди.

Иккинчи бўлимда Ўзбекистон терма жамоаси кичик ҳисобни ушлаб қолишга интилаётгани кўриниб қолди. Ташаббус tўлиғича Эрон томонида бўлди ва яна бир қатор қўлай вазиятлар бой берилди. Фақатгина 58-дақиқада Ризо Деҳқоний ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Бу вазиятда ҳимоя чизиги шунчаки томосхабин вазифасини ўтаб берди.

Ўтказилган голдан сўнг Ўзбекистон ОТЖ футболчилари бироз жонланди. Айниқса, охири дақиқаларда ҳужумда фаолроқ ўйин кўрсатилди. Аммо ғалаба қозониш учун аниқ зарбалар кузатилмади ва учрашув дуранг билан якунига етди.

U-23. Осиё чемпионати "С" гуруҳи, 1-тур

**Ўзбекистон — Эрон 1:1**

**Голлар:** Ислом Қобиллов (п) 39 - Ризо Деҳқоний 58  
Огоҳлантиришлар: Ҳожиакбар Алижонов 12, Ориф Оғаси 18.



## ➤ Эълон/Объявление

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 466-ф-сонли фармойишига асосан "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳисобрақамига 2020 йил 4 январда "O'zbekiston Telekommunikatsiya Tarmoqlarini Boshqarish Respublika markazi" ДУК томонидан 15 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблағ "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2020 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Настоящим сообщаем, что с 1 февраля 2020 года тарифы на услуги по экспертизе электромагнитной совместимости, регистрации и эксплуатации радиоэлектронных средств и высокочастотных устройств ГУП ЦЭМС повышаются в среднем на 15%.

С подробной информацией можно ознакомиться на официальном сайте предприятия по адресу: [www.cemc.uz](http://www.cemc.uz)

ГУП ЦЭМС

## Талабалар билан учрашув

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали раҳбарияти телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факултети талабалари билан учрашув ўтказди. Учрашувда филиал директори А.Халджигитов талабалар билан суҳбатлашди, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганди.

Тадбир доирасида филиал раҳбари сўнгги йиллардаги таълим соҳасидаги ўзгаришлар, амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида талабаларга маълумотлар бериб ўтди. Айниқса, таълим сифатини ошириш бўйича кўрилатган чоралар, талабаларни хорижий ҳамкорлар билан қўшма факултетлар ва дастурлар асосида ўқитиш, жумладан, Жанубий Кореянинг бир қатор университетлари, Беларус давлат информатика ва радиоэлектроника университети билан ҳамкорлик шартномаси имзолангани ҳақидаги хушхабар ёшларни хурсанд қилди.

Суҳбат якунида бундай учрашувлар ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари ўтказилиши режалаштирилди, бу эса филиал раҳбарияти ва талабалар ўртасидаги очиқ мулоқотни вужудга келтириши шубҳасиз.

**А.ҲОТАМОВ,**  
**ТАТУ Самарқанд филиали матбуот котиби**

## ➤ "ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁХАТ ҚИЛ!"



### Почтачилар Самарқанд зиёратида

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Янги йил байрами муносабати билан 49 нафар почта ходимининг Самарқанд шаҳрига саёхати уюштирилди. Саёхат давомида улар кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқанднинг қадимий тарихи ва мустақиллик йилларида барпо этилган бунёдкорлик мажмуаларини тоmosha қилишиб, катта таассуротларга эга бўлдilar.

— Саёхатдан чексиз таассуротлар билан қайтдик, — дейди Янгийўл тумани почта алоқаси боғламаси почтачиси Зуҳра Холова. — Неча йиллардан бери Самарқандга боришни ният қилиб кўйгандим. Орзуларим амалга ошгани кувончимга кувонч қўшди. Бизга қаратилган эътибордан эса жуда ҳам мамнун бўлдим.

Саёхат Имом ал-Бухорий мажмуаси зиёрати билан бошланиб, Регистон майдони, Амир Темур, Шоҳизинда мақбаралари, Мирзо Улуғбек расадхонаси зиёратига улашиб кетди. Почтачилар тарихий обидалар, улардаги нақшинкор безаклар, ганчкорлик намуналарини кўришиб, ота-боболаримизнинг илмфан ривожидидаги кудрати ва донишмандлиги, инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшганлигига яна бир бор амин бўлишди.

### Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

"Электромагнит мослашув маркази" ДУК жамоаси Фарғона вилояти Электромагнит мослашув хизмати хайдовчиси

**Адҳам УМИРЗОҚОВНИНГ**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.


"Электромагнит мослашув маркази" ДУК жамоаси Сирдарё вилояти ЭММХ тизими муҳандиси Озоджон Остонақуловга укаси

**Фаррух ОСТАНАҚУЛОВНИНГ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



16 САЛОМАТЛИК



КОМПЮТЕРДА ИШЛОВЧИЛАРГА КЎЗНИ АСРАШ УЧУН

ОЛТИТА ОДДИЙ МАСЛАХАТ

Кўз хасталиклари ёшариб боряпти, компьютерларда кун бўйи ишлаганимиз етмаганидек, бўш вақтимизда смартфондан ҳам деярли кўз узмаймиз. Ҳўш, масалан, компьютерларда кўп ишлаб кўзни химоялашнинг чораси борми? Мутахассислар бунни тасдиқлашяпти, қуйида уларнинг олти маслаҳатини келтириб ўтамиз.

“Учта йигирма” қондаси

Фарбда оммалашган “20x20x20” қондаси бор: компьютерда ишлаётиб, ҳар 20 дақиқада бир марта экрандан кўзни узиш ва камиди 20 сония мобайнида 20 фут (6 метр) узоқликка қараш керак. Мазкур кўз гимнастикаси кўзингиз чарчашига йўл қўймайди ва нигоҳингизни сусайтишдан саклайди.

Ҳаттоки ушбу қондани эслатиб турувчи махсус илова ҳам ишлаб чиқилган. Protect Your Vision номли дастурдан фойдалансангиз бас.

Дисплейни тўғри жойлаштириш ҳам муҳим

Компютернинг монитори ни ёки ноутбукнинг дисплейини шундай жойлаштирингки, у кўзингиздан 50-65 сантиметр узоқликда турсин. Шунингдек, кўзларингиз экраннинг юқори чеккаси билан бир хил балангликда бўлгани яхши. Эслаб қолинг: экраннинг маркази кўзингиздан тахминан 17-20 даража пастда туриши керак.

Энг маъбул ёрқинлик

Дисплейнинг ёрқинлиги хонанинг ёритилиш даражасига мувофиқ келиши ҳам энг муҳим омиллардан биридир. Бунда бош қоида шуки, монитор асосий ёруғлик манбаи бўлмаслиги шарт. Шу тариқа, қоронғиликда экраннинг ёрқинлигини минимум даражагача пасайтирамиз, кучли ёритилган шароитларда эса аксинча – имкон қадар ёрқин қилиб қўямиз.

Матннинг ўлчами ва ранги

Компютер фойдаланувчилари асосан матн билан ишлайди; демак – ҳарфларнинг ўлчамига эътибор қаратамиз. Бунни аниқлаш учун аввал экрандан 45-70 сантиметр узоқликка ўтириб, шрифтни тобора майдалаштириб борамиз. Шу масофада кўзингиз ҳарфларни аниқ фарқлай оладиган ўлчамни белгилаб оламиз. Энди оддий ишлашда шрифт размерини ушбу ўлчамдан уч барабар юқори қилиб қўямиз. Шунингдек, кўзнинг саломатлиги учун матннинг ранги ҳам муҳим; энг маъбули – оқ

фонда қора рангли матн. Лекин бошқа ранглари ҳам қўлласа бўлади, бунда энг муҳими – фон ёрқин, матн эса тўқ тусли бўлиши шарт.

Кўз парвариши

Мунтазам тарзда монитор билан ишловчи кишиларнинг кўзлари доимий зўриқишда бўлади, шу боис улар кўз парваришига эътибор беришлари даркор. Бунинг учун махсус компютер кўзойнаклари чиққан – ўшалардан фойдаланинг; шунингдек, зарурати бўлса кўзларни тинчлантирувчи томчилар қўланг.

Ранглари ростпаймиз

Замонавий мониторларда нафақат дисплейнинг ёрқинлигини, балки рангларнинг тўйинганлик даражасини ҳам қўлда сошлаш имкони тақдим этилган. Атрофнинг ёритилганлик даражасига қараб уни ҳам тўғриласангиз бўлади.

Бунинг учун F.lux номли махсус дастур ҳам ишлаб чиқилган, интернетга кириб уни топиб фойдаланиши маслаҳат берамиз.

ДУНЁ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАМАЙДИГАН ВА УЙНИ ГАЗДА ИСИТМАЙДИГАН НОРВЕГЛАР

ҲАҚИДА

Аксарият норвегияликлар уйларини иситиш учун электр ишлайдиган иситкичлардан фойдаланишади.

Гарчи ушбу шимолий мамлакатда йилнинг бир неча ойи давомида биноларни иситишга тўғри келса-да, Норвегия аҳолиси электр тўловларидан асло кўрқмайди. Юқори даражадаги иш ҳақи ва электр энергияси тарифлари пастлиги ҳисобига норвегияликлар ўзларига бунни бемалол раво кўра олишади. Шу билан бирга, худди шу каби бадавлат тоифага кирувчи қўшни швецияликлар ва данияликлар электр энергияси учун катта миқдорда маблағ сарфлашга мажбур. Ҳамма гап Норвегиянинг Европа географик харитасида жойлашган аjoyиб ўрни билан боғлиқдир.

Норвегиянинг устун жиҳати мамлакат Шимолий ва Норвегия денгизларида углеводород қазиб чиқаришида эмас. Дарҳақиқат, нефть қазиб олиш Норвегия иқтисодиёти таянчларидан биридир, аммо ишлаб чиқарилган углеводородларнинг атиги 5 фоизи ички бозорда истеъмол қилинади — қолган қисми Европа Иттифоқи ва АҚШга экспорт қилинади. Ушбу шимолий мамлакатнинг энергетикаси сувга асосланган. Бир қанча йирик гидроэлектростанциялар мавжуд бўлиб, улар Норвегиянинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг 95 фоизини таъминлайди ва бу дунёда гидроэнергетикадан фойдаланиш даражаси бўйича энг юқори кўрсаткичдир.



Норвегия гўзал фиордларга (қирғоқлари қояли денгиз кўрфазини) улашиб кетувчи тор ва чуқур дарё водийлари билан тўлган Скандинавия ярим оролининг гарбий қисмини эгаллаган. Мамлакатнинг гаройиб релефи юзага келишига қадимги тектоник жараёнлар, сунгги музлик даврида бу ерда жойлашган ва денгиз томон чекинаётиб шундай ўзига хос изларни қолдирган кудратли муз қопламлари сабабчи бўлган.

Тор ва чуқур дарё водийлари тўғон ва сув омборлари қуриш учун жуда қулайдир. Бундан ташқари, мамлакатда кўплаб табиий шаршаралар ва кўллар мавжуд бўлиб, улар ҳам энергия манбаи сифатида хизмат қилади. Норвегия ўз афзалликларидан жуда устамонлик билан фойдаланади, чунки бу мамлакатдаги ГЭСларда ишлаб чиқарилган энергия нафақат норвегияликларни таъминлайди, балки экспортга ҳам йўналтирилади.

Ортиқча ишлаб чиқарилган арзон электр энергияси туфайли Норвегия замонавий Европада жуда машҳур бўлган шамол энергияси ёки бошқа муқобил манбаларни ишлаб чиқишга шўшилмаяпти.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Бухоро вилояти “Электромангнит маслашув маркази” ДУК жамоаси 1-тоифали муҳандис Абдурахмон Ортиқовни 60 ёши билан самимий табриқлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилайди.

<p><b>Xabar</b></p> <p><b>МУАССИС:</b></p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОМУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p><b>Бош муҳаррир</b> Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ</p>	<p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Шухрат СОДИКОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масул котиб).</p>		<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй (мўлжал: Олой бозори). Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31, факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p>	
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нархда.</p>		<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслидин БЎРИЕВ. Навбатчи: Аслидин БЎРИЕВ.</p>	
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-157 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 4545 нусха.</p>	<p><b>ISSN 2010-6424</b> Босишга топширилди — 23.00. Босишга топширилиши вақти — 24.00.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари: Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззаҳда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99</p>				